



№51 (904)
2025 йил 24 июнь,
сешанба

О‘ЗБЕКИСТОН BUNYODKOR

ijtimoiy-iqtisodiy
gazeta



СТРОИТЕЛЬ УЗБЕКИСТАНА

uzbunyodkor t.me/uzbunyodkor uzbunyodkor info@uzbunyodkor.uz uzbunyodkor.uz

Газета 2016 йил
2 августдан
хафтанинг
сешанба ва
жума кунлари
чиқади.

“ИНСОН ҚАДРИ УЧУН” ТАМОЙИЛИ ҲАЁТДА ЎЗ ИФОДАСINI ТОПМОҚДА

Нигора НОЗИМЖОНОВА, “O‘zbekiston bunyodkor” мухбири.

Инсоннинг ҳаётдаги энг катта орзуларидан бири шубҳасиз, уйли-жойли бўлиш. Халқимизда “уй борнинг ўйи бўлмайди” деган мақол ҳам бежизга айтилмайди. Зеро, одамларнинг уй-жой билан таъминланганлик даражасидан қониқиб ҳисси эртанги кунга ишончини оширс, бошқа томондан жамиятдаги ислохотларга дахлдорлик туйғусини шакллантиради. Турмуш фаровонлигига хизмат қилиб оилавий саодатга элтиради.



4-бет

Президент Шавкат Мирзиёев 23 июнь кунини йирик сановат корхоналарини “яшил” энергия билан таъминлаш чора-тадбирларига оид тақдирот билан танишиди.

Тақдиротда бу йил амалга оширилаётган лойиҳалар ва яқин келажакдаги режалар ҳақида ахборот берилди. Улардан асосий мақсад генерация, модернизация ва энергия самарадорликдир.

Хусусан, йил якунигача 12 та кўши ва 4 та шамол электр станцияси, 12 та энергия сақлаш тизими ишга туширилади. Уларга инвестиция ҳажми жами 5 миллиард доллардан зиёд бўлиб, салкам 9 миллиард килловатт-соат қувватга эга бўлади. Шунингдек, бу йил умумий қиймати 7 миллиард 200 миллион долларлик яна 11 та лойиҳа қурилиши бошланади.

Ташрифдан кейинги ўйлар



ПАРКЕНТДА ҲАМ ИСТИҚЛОЛ ШАБАДАСИ, ислохотлар натижаси намоён бўлмоқда

Фарангиз ҚУРБОНОВА, журналист.

Паркент – Тошкент вилоятининг мафтункор ва сўлим гўшаларидан бири сифатида нафақат юртдошларимиз, балки хорижий сайёҳлар эътиборини ҳам ўзига жалб қилиб келаётгани сир эмас. Сўнгги йилларда бошқа ҳудудлар каби бу ерда ҳам кўплаб ўзгаришлар амалга оширилди. Янги ва замонавий иншоотлар барпо этилиб, туманнинг туризм салоҳияти янада кенгайтирилмоқда.

Ўтган ҳафтада Президент Шавкат Мирзиёев Паркент туманига ташриф буюриб, аҳолининг турмуш тарзи, иқтисодий ривожланиш ва амалга оширилаётган янги лойиҳаларни кўздан кечирди. Ташриф чоғида Президентимиз ҳудудда замонавий инфратузилмани яратиш, иқтисодий ва ижтимоий тараққиётни жадаллаштириш, халқ фаровонлигини оширишга йўналтирилган бир қанча йирик лойиҳалар билан танишди.

Улардан биринчиси – туман марказида барпо этилаётган “Паркент Соғ” кўп қаватли турар жой мажмуасидир. Лойиҳанинг умумий майдони 6 гек-

тари ташкил этади. Бу ерда 5 200 та хонадонни ўз ичига олган 125 та кўп қаватли уй барпо этилиши режалаштирилган ва қурилиш ишлари жадал суръатларда давом этмоқда. Турар жойлар барча замонавий технологиялар билан жиҳозланади. Хусусан, геокolleкторлар ўрнатилиб, сув иситиш учун экологик қулай тизимлар жорий қилинади. Мажмуа таркибиде 2 та мактаб, 8 та боғча, болалар майдончалари, 10 гектарлик истироҳат боғи, суғий қўл ва сайилгоҳлар, велойўлақлар қурилади. 17 километрик ички йўллар ҳам реконструкция қилинади.

2-бет

МЕҲНАТКАШ ВА ТАНТИ ҚАШҚАДАРЁ АҲЛИ

янада катта шижоат билан
ишлашда давом этади

Шухрат НОРМУРОДОВ, “O‘zbekiston bunyodkor” мухбири.

Юртбошининг ташрифи – нафақат ўша ҳудуд ривожига, балки аҳоли кайфиятига, турмуш тарзига ҳам алоҳида таъсир кўрсатишини йиллар давомида кузатиб келяпмиз. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев ўтган ҳафтада ислохотларнинг бориши, ҳудудлар ривожига ҳамда аҳоли турмуш тарзи билан яқиндан танишиш мақсадида Қашқадарё вилоятига амалга оширган ташрифи давомида бу фикрга яна бир қарра гувоҳ бўлдик.



АҲОЛИ ФАРОВОНЛИГИ ЭНГ МУҲИМ МАСАЛА

Юртбошимиз дастлаб Яққабоб туманида барпо этилган “Янги Ўзбекистон” массивини бориб кўрди. Мазкур массив илғор шаҳарсозлик ечимлари асосида қурилган бўлиб, 18 гектар майдонни эгаллаган. Ушбу массивда келгусида 54 та беш қаватли уй қурилиб, 1 минг 400 та хонадон аҳолига таъминланиши белгиланган.

Шу билан бирга, ҳудудда уч қаватли “Эко бозор” барпо этилган ва у орқали маҳаллий деҳқонлар ўз маҳсулотларини тўғридан-тўғри истеъмолчиларга етказиш имконига эга. Бу эса, ҳам сифат, ҳам нарх жиҳатидан одамларга маъқул бўлмоқда. Бозорда 640 та иш ўрни яратилган. Давлатимиз раҳбари ушбу экобозорда яратилган шароитларни кўздан кечириб, сотувчи ва харидорлар билан самимий мулоқот қилди.

тармоқлари, атрофи эса болалар майдончалари ва автотураргоҳлар билан таъминланиши белгиланган.

Шу билан бирга, ҳудудда уч қаватли “Эко бозор” барпо этилган ва у орқали маҳаллий деҳқонлар ўз маҳсулотларини тўғридан-тўғри истеъмолчиларга етказиш имконига эга. Бу эса, ҳам сифат, ҳам нарх жиҳатидан одамларга маъқул бўлмоқда. Бозорда 640 та иш ўрни яратилган. Давлатимиз раҳбари ушбу экобозорда яратилган шароитларни кўздан кечириб, сотувчи ва харидорлар билан самимий мулоқот қилди.

2-бет

ВАЗИРЛИК ВА ТИЗИМ ТАШКИЛОТЛАРИДА

“Ўзбекистонда сув ресурсларини бошқариш Миллий лойиҳаси” доирасида тадбир ташкил қилинди.

Швейцариянинг Тошкентдаги элчихонаси, Швейцария ҳамкорлик ва тараққиёт агентлиги, Ўзбекистонда сув ресурсларини бошқариш миллий лойиҳаси вакиллари иштирок этган тадбирни Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазири ўринбосари Озода Жўраева очиб берди.

Ичимлик суви соҳаси бўйича Швейцария ва Ўзбекистон ҳамкорлиги доимо энг юқори нуқтада бўлган. Ушбу саз-ҳаракатлар натижасида бугунги кунга қадар жами 42 та олис ҳудудлардаги 173 минг нафар аҳоли давлат ижтимоий буюртмаси асосида ичимлик суви билан таъминланди. Тадбирда ушбу масалалар кенг муҳокама қилинди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Сурхондарё вилоятининг тоғли-рекреацион ҳудудларида туризм инфратузилмасини яхшилаш ҳамда замонавий хизмат кўрсатиш ва туризм объектилари барпо этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-439-сонли қарори

иҷроси юзасидан “Ўзшаҳарсозлик ЛИТИ” ДМ томонидан ишлаб чиқилган Омонхона ҳамда Сангардак туристик марказларининг батафсил режалаштириш лойиҳалари туман ҳокимликлари ва вилоят туризм вакиллари мутахассислари билан муҳокама қилинди.

Қурилиш ва коммунал соҳада таълимни ривожлантириш, тизим вакиллари маҳалласини ошириш имкониятларини янги босқичга олиб чиқиш мақсадида Компетенцияни ривожлантириш институти ректори Аъзамиддин Қўлдашев бошчилигидаги делегация Хитойда бўлиши.

Институт вакиллари ҳамда мутасадди ташкилот вакиллари билан иборат делегация Хитойнинг Ханчжоу шаҳрида Zhejiang Institute of Construction институтига ташриф буюрилар ва ушбу институт раҳбари билан учрашув ташкиллаштирилди. Унда ҳар икки томоннинг фаолият йўналишлари таништирилди. Ҳазор ўшаш ва фарқли томонлар муҳокама қилинди. Хусусан, келгусида тажриба алмашиш, тингловчилар маҳалласини ҳамкорликда ошириш, илмий ва амалий лойиҳаларни амалга ошириш истиқболлари кўриб чиқилди.

Самарқанд вилояти ҳокими ўринбосари А. Шукуров масул ташкилотлар вакиллари иштирокида РК-1 марказий қозонхонасида олиб борилаётган ишлар, аҳолини барқарор иссиқлик энергияси билан таъминлаш олдидан олиб борилаётган ишлар ҳолати билан танишди.

РК-2 қозонхонасида амалга оширилаётган қурилиш-монтаж ишлари ҳам ўрганилиб, мавжуд масала-

лар юзасидан мутасаддиларга зарур кўрсатмалар берилди. Шунингдек, Шири массивида олиб борилаётган қурилиш жараёнлари ҳам муҳокама қилинди. Қурилиш ишларининг бориши юзасидан йиғилган ўтказилиб, амалга оширилаётган ишларнинг сифатли ва белгиланган муддатда яқунланишини таъминлаш бўйича тегишли топшириқлар берилди.

Сирдарё вилояти Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги соҳасида ҳудудий назорат қилиш инспекцияси ходимлари томонидан Гулистон шаҳридаги Боғишамол маҳалласида жойлашган кўп қаватли турар жой биноларининг техник ҳолати ўрганилди.

Жараёнда ушбу уйларда истиқомат қилаётган мулкдорлар томонидан ўзбошимчилик билан кўп қаватли уй атрофида қўшимча қурилмалар барпо этилгани, шунингдек, уйнинг белгиланмаган қисмида эшик очиб олинган ҳолатлар аниқланди. Аниқланган ҳуқуқбузарликлар юзасидан мулкдорларга ҳолатни бартараф этиш бўйича қонун талабларига мувофиқ белгиланган тартибда қонуний чоралар қўрилмоқда.



1-бет
**ПАРКЕНТДА
ҲАМ ИСТИҚЛОЛ
ШАБАДАСИ,
ислохотлар натижаси
намоён бўлмоқда**



Президент эътиборидаги навбатдаги муҳим лойиҳа – “Байтқўрғон - Паркент” йўналишидаги 24 километрлик электрлаштирилган темир йўл қурилиши бўлди. Бу йўлда Тошкентдан Паркентга қўнғина 4 маротаба замонавий поезд қатнови режалаштирилган бўлиб, ҳар бир поезд 580 ўринга эга, минг нафарга яқин туриб кетаётган йўловчини ҳам ташишга қодир. Ҳисоб-китобларга қўра, ушбу темир йўл орқали қўнғина 275 минг йўловчи ташиш қўзда тутилган. Бу эса, пойтахтдан Паркентга қатновда улкан қўлайлик яратди. Шу билан бирга, ҳудудда туризмини ривожлантиришда ҳам катта аҳамият касб этади.

Паркент сой бўйлаб 5 километрлик янги йўл барпо этилди. Ушбу йўл туман марказидан ўтган асосий кўча билан туташиб, транспорт тирбандликларини сезиларли даражада камайтирди. Шунингдек, марказдаги асосий кўприк ҳам қайта реконструкция қилинди.

Қувонарлиси шунки, буларнинг барчаси Президент ташаббуси асосида Паркент аҳолисининг қўлай яшаш учун хизмат қилмоқда. Лойиҳаларнинг навбатдаги босқичида Қумушқонга бўлган йўлдаги ўзлар тартибга келтирилиб, очиладиган 100 гектар ерда туризм объектларини барпо этиш режалаштирилган.

Ташриф доирасида парктентлик фаоллар билан учрашган Шавкат Мирзиёев қуйидаги фикрларни билдирди:

– **Бизнинг энг катта бойлигимиз юртимиз тинчлиги, халқимизнинг осойишталиги. Тинчлик барқарор бўлса, мана шундай бунёдкорлик бўлади, режалар амалга ошади. Давлат ташкилотларини сафарбар қилиб, имкониятларни юзага чиқариб, ҳамма ҳудудларнинг ривожлантиришга ҳаракат қилиямиз. Паркентга ҳам истиқлол шабадаси, ислохотлар натижаси етиб келганини кўриб, хурсанд бўлдим. Халқимиз мана шундай фаровон шароитда яшашга муносиб.**

Президент ташрифидан парктентликларнинг ҳам қувончи чексиз. Жамоатчилик фаолларининг фикрлари бунинг ёрқин далилидир.

– Паркентнинг олдинги ҳолатини кўрганганимизда ҳайратда қолган бўлардингиз, – деди “Бўстон” МФЙ раиси Ерлан Юсипхўжаев. – Бугунги кунда ўзгаришлар бутунлай бошқача. Қад ростлаётган бу ўйлар ва лойиҳалар аҳолига ўзгача руҳ бағишляпти, ғайратига ғайрат қўшяпти. Барча қўлайликлар ва имкониятлар учун Президентимизга ташаккур айтаман.

– Президентимизнинг ташрифидан биз учун унутилмас воқеа бўлди, – меҳнат фахрийси Махмуд Қорабоев. – Ташриф доирасида ну-

ронийлар ва маҳалла раислари билан очик, самимий суҳбатлар қурилди. Бундан бир йил аввал, 2024 йил 10 март кунини Президентимиз вакиллари Паркент кўпригида маҳалла раислари, депутатлар ва аҳоли билан учрашган эди. Ушунда бу сой бўйида кўп қаватли бинолар, сайилгоҳлар қурилиши, кўприк қайта барпо этилиши режалаштирилгани айтилган. Ишонинг қийин эди. Аммо бир йил ичида ҳаммаси амалга ошди. Бугун замонавий кўприкдан халқимиз мамнун. Бу ислохотлар парктентликлар учун тарихий воқеа бўлди.

Президент ташрифидан доимидаги навбатдаги манзил – Қумушқондаги “Meridian Tempo” корхонаси томонидан барпо этилган 54 гектарли интенсиф боғ бўлди. Бу ерда гилос, олма, нок ва малинининг экспортбоп навлари етиштирилмоқда. Давлат раҳбари боғдаги мева навларини кўздан кечириб, мутасаддиларга бу тизимни кенгайтириш, хоржий тажрибани жорий этиш, маҳсулотларни сифатли парваришlash ва қадоқlash бўйича топшириқлар берди. Бу лойиҳа доирасида кўплаб янги иш ўринлари яратилган.

Шунингдек, Президентимиз “Batu Export” мева ва सबзавотларни қайта ишлаш корхонасида бўлди. Корхона ҳозирда йилга 5 минг тонна маҳсулот экспорт қилмоқда. Кейинги йилда бу кўрсаткич бир неча баробарга оширилиб, 500 тагача қўшмача иш ўрни яратилиши режалаштирилган. Ташриф чоғида вилоятдаги экспортбоп маҳсулотлар ҳам кўздан кечирилди. Давлат раҳбари тадбиркорларни қўллаб-қувватлаш, экспортни соддалаштириш ва агросаноат даромадини янада ошириш вазифасини топширди.

Бир сўз билан айтганда, Паркентда амалга оширилаётган бунёдкорлик ишлари нафақат туман аҳолисининг турмуш тарзини яхшиламоқда, балки бутун ҳудуд иқтисодийетини янги босқичга олиб чиқмоқда. Президентимизнинг ҳар бир ташрифиди, ҳар бир лойиҳадаги иштироки орқали халқ фаровонлиги ва юрт тинчлиги йўлидаги юксак масъулият намоён бўлмоқда. Бугунги ислохотлар – эртанги куннинг пойдеворидир. Бинолар, йўллар, истироҳат боғлари, интенсиф боғлар – буларнинг барчаси халқ учун, келажак авлод учун барпо этилмоқда. Бундай бунёдкорлик халқимиз қалбида фахр ва миннатдорлик туйғусини уйғотади.

Бугун Паркент ўзининг янги қиёфасини топмоқда. Бу ўзгаришлар – Президентимиз олиб бораётган кенг қўламли ислохотлар самарасидир. Энди эса барчамиз ана шу тараққиёт йўлида бирлашиб, юрт равнақи учун сидқиқдилдан меҳнат қилишимиз лозим.

1-бет

**МЕҲНАТКАШ ВА ТАНТИ
ҚАШҚАДАРЁ АҲЛИ**

янада катта шижоат билан ишлашда давом этади

Ташриф давомида давлат раҳбари Шаҳрисабз тумани Ҳисор тоғи ён бағридаги сайёҳлик салоҳияти билан ҳам яқиндан танишди. Бугунги кунда туризм иқтисодийёт тармоқларининг етакчи бўлинига айланиб бораётган соҳа ҳисобланиб, Қашқадарёда ҳам бу борада имкониятлар кўп. Президентимизнинг 2023 йил 28 ноябрдаги қарори асосида Қашқадарё вилоятининг тоғли-рекреацион ҳудудларида замонавий хизмат кўрсатиш ва туризм мажмуалари барпо этилмоқда. Жумладан, хорижий давлатларнинг малакали экспертлари ва етакчи компаниялари иштирокида Мираки, Амир Темура, Улоҳ ва Полмон маҳаллаларида сайёҳлар учун қўлайликлар яратилмоқда. Умумий 240 гектар майдонда 400 миллион долларлик 117 та лойиҳа амалга ошириляпти. Бунинг натижасида 1 минг 700 та доимий иш ўрни яратилади.

Илгари ҳар ким ўз билганича фойдаланган бу сўлим жойлар бугун яхлит туризм кластерига – “Мираки” халқаро туризм марказига айланди. Давлатимиз раҳбари бу ердаги ободлик ва қўлайликларни кўздан кечирди.

– **Шаҳрисабзнинг устун тарафи – йил давомида саёҳатга келиш мумкин. Бунинг учун йўл, коммуникация, меҳмонхоналар қуриямиз. Энди хизмат турларини кўпайтиришни ўйлаш керак. Масалан, Миракига келган меҳмон вақтини қандай ўтказди, нималар харид қилади? Шу талаблардан келиб чиқиб, хизматлар таклиф қилиш, бу ернинг табиати ва шароитини чет элларда кенг тарғиб этиш керак,** – деди Шавкат Мирзиёев.

Янги сайёҳлик марказига инвесторларни жалб этиш учун муҳандислик-коммуникация тармоқлари тортилган. Миракига элтувчи ва маҳалла ичидаги йўллар мукамал таъмирланган. Электр таъминоти яхшилланган. Сайёҳларни қизиқтириш учун Ҳисорак сув омборига туташ ҳудудда икки километрдан ортиқ дор йўли ва денгиз сатҳидан 2 минг 700 метр баландликда ресторан ҳам барпо этилган. Албатта, бундай кенг қўлайликлар Қашқадарёга келувчи сайёҳлар сонини оширмоқда.

Сафар давомида Президент Шаҳрисабз туманидаги “Ҳисорак” сув омбори яқинида барпо этилган “Ҳисорак” кичик гидроэлектр станциясини ҳам кўздан кечирди.

Ҳисорак сув омбори 1987 йилда қурилган бўлиб, 2004 йилда капитал реконструкция қилинган. Ҳудудда 2011 йилда ишга туширилган қуввати 45 МВт бўлган асосий “Ҳисорак” ГЭС ҳам мавжуд бўлиб, йилга 80 миллион киловатт соат электр энергияси ишлаб чиқаради. Бу эса, ўртача ҳисобда 33 минг хонадоннинг йиллик электр энергияси эҳтиёжини қоплайди. Мамлакатимизда экологик тоза, аэрон ва қайта тикланувчи энергия манбаларини кўпайтириш ҳамда мавжуд қувватларни оширишга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

**ҲАМ МЕВАЛИ БОҒ,
ҲАМ АГРОТУРИЗМ
МАЖМУАСИ**

Ўзининг агротуризм жозибаси билан дунё сайёҳларини эътиборига сазовор бўлган Италия, Франциянинг ландшафтли боғлари, кирдаги тоқзорлари дунёга машҳур. Уларни ҳар йили минглаб иштиёқмандлар бориб кўради. Энди шундай кўркмасан Шаҳрисабзда ҳам бор.

Давлатимиз раҳбари Қашқадарёга ташрифиди чоғида ушбу агротуризм мажмуасини бориб кўрди. Илгари қуруқ кир-адир бўлган бу жойлар томчилагиб сўғориш тизими жорий этилиши натижасида яшилликка бурканган. Мажмуа 520 гектардан иборат бўлиб, адирлик қисмида “терраса” усулида узум, гилос ва олма экилган ҳамда ўрмон барпо этилган. Франциядан энг сара навлар олиб келинган. Ушбу мажмуа билан танишар экан, “Чўл-адирларни ўзлаштиришимизга шубҳа қилганлар шу боғни келиб кўрсин”, деди Президент.

7,5 минг тонна маҳсулот етиштириш имкониятига эга мажмуанинг экспорт қуввати 5 миллион долларга тенг. 100 та доимий ва мингдан ортиқ мавсумий иш ўрни яратилган. Қўчатлар ривожини



франциялик мутахассис кузатиб боради, ёшларга деҳқончилик сирлари ва бозор талабларини ўргатади. Ҳудудда, шунингдек, 120 ўринли ресторан ва 100 ўринли меҳмонхона қурилган. Агротуризмга ва ўқув маркази, қайта ишлаш, сақлаш қувватлари қурилмоқда. Мутасаддилар бундай боғларни кенгайтириш, бошқа тоғли туманларда ҳам ташкил этиш режалари ҳақида маълумот беришди. Давлатимиз раҳбари сўғоришни ташкил этиб, боғларни аҳолига бўлиб бериш, одамларга даромад манбаи яратиш бўйича топшириқлар берди.

**КЎҚДАЛА – БОШҚА
ТУМАНЛАРГА ҲАМ
ЎРНАК**

Маълумки, Кўқдала тумани вилоятдаги янги туманлардан бири бўлиб, у Президентимиз ташаббуси билан ташкил этилган эди. Ташриф давомида Шавкат Мирзиёев Кўқдала тумани маъмурий марказида бўлиб, улкан бунёдкорлик ишлари билан танишди.

Туман уч йил ичида таниб бўлмас даражада ўзгарди. Аввало, 120 километр сув, 210 километр электр тармоғи қурилиб, зарур инфратузилма яратилди. Йўллар кенгайтирилиб, таъмирланди. Маъмурий бинолар, 19 та мактаб, 22 та боғча, кўп тармоқли шифохона ва оилавий поликлиника барпо этилди. Бугун Ёттигим яқинида янги шаҳар қурилиши бунёдкорлиги, туман ҳокимлиги биноси мамлакатимизда янги таърибанинг болашини бўлди. Бу ерда 38 та давлат идораси бир жойда жамланган.

Президентимиз Кўқдаладаги бунёдкорлик, бундай яхлит ва мутаносиб шароитлар барча туманлар учун намуна эканини таъкидлади.

Шу билан бирга, Кўқдала туманида Президент раислигида Қашқадарё вилоятини ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш чора-тадбирлари бўйича йиғилиш ўтказилди. Давлатимиз раҳбари вилоятда улкан ўзгаришлар бўлаётганини, ислохотлар одамлар ҳаётига кириб бораётганини кайт эди. Авваллари вилоят саноатининг ярмидан кўпи нефть газ ва кимё тармоғига тўғри келган бўлса, кейинги йилларда электр техникаси, қурилиш материаллари, тўқимачилик, мебелчилик соҳаларида “катта сақраш” бўлди. Ҳозир бу тар-



моқларнинг саноатдаги улуши 54 фоизни ташкил этапти. Лекин вилоятда амалга оширилаётган ваифалар бисёр. Тахлилларга қўра, Қашқадарёда ишга солинмаган қамда 15 миллиард долларлик салоҳият бор. Бу имкониятларнинг учдан бири лойиҳага айлантирилса ҳам, вилоят яппи ҳудудий маҳсулотини келгуси беш йилда бемалол 10 миллиард доллардан ошириш мумкин.

Президентимиз вилоятни ҳар томонлама ривожлантириш бўйича қўшимча имкониятларни кўрсатиб ўтди. Қашқадарёда катта захира қишлоқ хўжалиги ерлари экани қайд этилди. Мисол учун, жоҳода сўғориладиган қишлоқ ерлари 515 минг гектарни, томорқа ва боғдорчилик ерлари 45 минг гектарни ташкил қилиб, республикада биринчи ўринда. Бундан ташқари, вилоятда 1,3 миллион гектар яиллов ва ўрмон ерлари мавжуд. Энди улардан самарали фойдаланиш учун алоҳида компания ташкил қилинади. Инвестиция жалб қилиш, лойиҳаларни молиялаштириш ва улус билан кириш учун унга акциядорлик жамияти мақоми берилиб, Қузатув кенгашига Бош вазир раҳбарлик қилади.

Бундан ташқари, ҳар қандай иқтисодий лойиҳалар учун ривожланган инфратузилма зарурлиги таъкидланди. Эндиликда, “Ғузор-Бухоро-Нукус-Бейнеу” йўлининг вилоятдан ўтган 100 километрини реконструкция қилиш ҳисобига транзит салоҳиятини 3 қарра ошириш мумкин. “Қарши-Шаҳрисабз-Китоб” магистраль йўлининг 106 километри реконструкция қили-

ниб, 2 тасмадан 4 тасмага ўтказилади. Бу лойиҳа доирасида Қамаш ва Яққабғо марказидан айланба ўтадиган 34 километрли янги йўл ҳам барпо этилади. Ислол тараққиёт банки иштирокида “Тошкент-Термиз” йўлининг Қашқадарёдан ўтган 60 километри ҳам 4 тасмали қилиниб, цемент-бетон қопламга ўтказилади.

Ўз навбатида, вилоятда аҳолининг турмуш шароитларини яхшилаш учун 7 минг 700 та хонадонли уйлар барпо этилади. Бу йил 183 километр сув ва канализация тармоғи, 8 та сув иншооти қурилади.

– **Кўриб турганимиздек, Қашқадарёда режалаштирилган ишларимиз кўп. Амир Темурадк буюк аждодимиздан жасорат, матонат, бағрикенглик каби фазилатларни мерос қилиб олган меҳнатсевар, самимий ва олижаноб вилоят аҳли билан олдимизга қўйган улкан марраларга албатта, эришамиз. Аминанки, қаққадарёликлар барча ислохотларимизнинг олдинги сафида бўлади,** – деди Шавкат Мирзиёев.

Йиғилишда муҳокама қилинган масалалар юзасидан вилоят ва туман ҳокимлари, тармоқ раҳбарлари ахборот берди, тадбиркорлар ва жамоатчилик вакиллари билан мулоқот қилинди.

– Бугун юртимизда қишлоқ хўжалиги соҳасини бозор муносабатларига ўтиш жараёнида мева-сабзавотчиликни ривожлантиришга устувор йўналиш сифатида катта эътибор қаратилмоқда, – деди Кўқдала туманидаги фермер Абдуназар Жўрақулов. – Президентимиз иштирокида бўлиб ўтган йиғилишда Кўқдала туманидаги 6 минг гектар лалми ерда тарвуз, вилоятнинг 13 та туманидаги 6 минг гектар экин ерларида помидор етиштиришни йўлга қўйиб орқали тарвузнинг йиллик экспортини 30 миллион долларга, помидорни эса 5 миллион долларга етказишга мақсад қўйилди. Энди тарвуз ва бошқа ўлим экинлари етиштиришни янги босқичга қўтарамиз, янги иш ўринлари ташкил этамиз.

Албатта, вилоятда бу каби амалга оширилаётган лойиҳалар, дастурлар барчаси аввало, халққа хизмат қилади, уларни шу юртда фаровон ҳаёт кечирашига замин бўлади. Меҳнаткаш ва танти Қашқадарё аҳли эса юртбошининг ушбу ташрифидан сўнг, янада катта шижоатга ғайрат билан ишлашда давом этиши, шубҳасиз.



ИЖРО ИНТИЗОМИ – ТАРАҚҚИЁТ ПОЙДЕВОРИ

Шерзод ХИДОЯТОВ,
Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазири.

Қурилиш мамлакат тараққиёти кўзгусидир. Ундаги ҳар бир бино, йўл, инфратузилма объекти – давлат сиёсати ва ижтимоий масъулиятнинг амалий кўриниши. Шу боис, соҳадаги ҳар бир ишга масъулият билан ёндашиш, қабул қилинган ҳужжатлар ижросини таъминлаш, тартиб-интизомга қатъи эътибор қаратиш зарур.

Негаки, ҳар бир қонунчилик ҳужжати халқ билан очик мулоқот қилиш, аҳоли ва тадбиркорлик субъектларининг фикрларини тинглаш, кўп йиллардан буён фуқароларни қийнаб келаётган муаммоларни жойига чиққан ҳолда ўрганиш орқали қабул қилинмоқда. Давлатимиз раҳбари томонидан масъуллар олдида қўйилаётган қатъий талаб ва танқидий таҳлиллар барчамизни янада масъулиятли, фидойи ва натижага йўналтирилган иш услубига ўтишга ундайди. Зеро, тартиб ва интизом бўлган жойдагина барқарорлик ва тараққиёт бўлади.

Ислохотлар самардорлиги ва кўзланган мақсадларга эришишнинг натижадорлиги эса бевосита мустақкам ижро интизоми билан боғлиқ. Айнан давлат идоралари ва ташкилотларидаги ижро интизоми ҳолатидан келиб чиқиб, ҳар бир тармоқнинг ривожланиш даражасига баҳо бериш мумкин.

Дарҳақиқат, тартиб, масъулиятни чуқур ҳис этиш ривожланишга асос бўлади. Бу омиллар интизоми шакллантириб, вазифа ва топшириқлар ижросини таъминлашнинг энг муҳим жиҳатларидан. Бугунги тараққиёт, агрофимиздаги, одамлар ҳаётидаги ўзгаришларни инобатга олаш, бу, айниқса, қурилиш-бунёдкорлик соҳасида жуда муҳим. Чунки ҳозир юртимиз бўйлаб қурилиш ишлари жадал давом эттирилмоқда. Замоनावий турар жойлар, ижтимоий объектилар, янги инфратузилма тармоқлари, янги мавзевлар халқимизнинг муносиб ва фаровон яшаш учун хизмат қилмоқда. Демак, булар соҳа вакиллари зиммасига ҳам кўп вазифа ва катта масъулият юклайди.

Аслида, ҳеч бир ишга юзаки қараб бўлмайди. Ҳар бир тармоқ, ҳар бир соҳанинг ўзига хос талаблари бор. Бу эса соҳа вакиллари масъулиятини янада оширади. Яъни ҳар бир раҳбар ижро интизоми масаласига юқори масъулият билан ёндашиши керак. Белгиланган топшириқлар ижросини ўз вақтида, тўлиқ ва сифатли таъминлаш, бу бўйича ишларни тўғри режалаштириши лозим. Топшириқларни ижро муддатигача бажариш бўйича олинган зарур чора-тадбирлар кўриб бориши шарт.

ИСЛОҲОТЛАР ҚўЛАМИ МАСЪУЛИЯТИ ЯНАДА ОШИРАДИ

Сўнгги йилларда мамлакатимизда барча соҳада бўлган каби қурилиш соҳасидаги ишлар қўлами зиммасидаги масъулиятни янада оширади. Қабул қилинган қонунлар, фармон ва қарорларда белгиланган вазифалар нафақат соҳа ривожига, балки халқимизнинг фаровонлигини ошириш, жамият тараққиётини юксалтиришга хизмат қилиши билан янада аҳамиятли. Жумладан, Президентимизнинг 2021 йил 10 февралдаги “Қонунчилик ҳужжатлари ижросини самарали ташкил этишда давлат бошқаруви органлари ва маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари раҳбарларининг шахсий жавобгарлигини кучайтиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги фармони ҳамда 2021 йил 31 майдаги “Ijro.gov.uz” ижро интизоми идораларо ягона электрон тизими самарали фаолият кўрсатишини таъминлашга қаратилган қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарори билан ижро интизомига алоҳида эътибор қаратилди.

Ушбу фармон ва қарорда қонунчилик ҳужжатлари ва топшириқлар лойиҳаларини пухта иқтисодий, молиявий ва ҳуқуқий экспертизадан ўтказишни таъминлаш, қабул қилинган ҳужжатлар ижросини самарали ташкил этиш ва ижросини назорат қилишнинг таъсирчан тизимини яратиш бўйича устувор вазифалар белгиланган бўлиди. Вазирилик тизимида ушбу ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалиётга сўзсиз татбиқ этиш мақсадида ходимлар ўрасида мунтазам тушунтириш ишлари олиб борилмоқда. Бунда асосий эътибор ходимларнинг янги шакланган қонунчилик ҳужжатларидан хабардорлигини ошириш, хизмат вазифасига виждонан ва алоҳида масъулият билан ёндашиш, ҳар бир ишда шахсий жавобгарлигини кучайтиришга қаратилди.

Ижро этувчи орган сифатида топшириқларнинг ўз вақтида бажарилиши муҳимлигини тўлиқ ҳис этган ҳолда, ходимларнинг шахсий масъулияти, касбий



маҳорати, талабчанлиги ва ташаббускорлигини ошириш, уларда ватанга садоқат, меҳнатсеварлик ва ҳалоллик ҳиссини уйғотиш, қатъий “темир интизом” ўрнатиш борасида мунтазам иш олиб борилмоқда. Пировардида, ўтган вақтда ишга сиқидилган ёндашадиган, фидойи кадрлар жамоаси шаклланди.

Шунингдек, фармон ва қарор билан давлат хизматчиларининг масъулиятини ошириш бўйича жавобгар томонлар ҳам белгилаб берилгани қонунчилик ҳужжатлари ижросини сифатли ва ўз муддатида таъминлашда муҳим аҳамиятга эга бўлмоқда.

ҲАР БИР ҲУҶЖАТ ИЖРОСИ ҚАТЪИЙ НАЗОРАТ ҚИЛИНАДИ

Бундан ташқари, “Ijro.gov.uz” тизими орқали бевосита ваколатли давлат органлари томонидан ҳудудлар, тармоқ ва ташкилотларда қонунчилик ҳужжатлари ижроси бўйича бажарилаётган ишлар назорат қилиб борилмоқда. Энг муҳими, ушбу тизим қамрови тобора кенгаймоқда. Яъни ҳудудий давлат бошқаруви органлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг туман тузилмалари ҳам унга уланди.

Умуман олганда, вазиригимизда ҳар бир қонунчилик ҳужжати ва топшириқларнинг қатъий ҳисобини юритиш ҳамда белгиланган муддатларда ижросини мониторинг қилиш бўйича қатъий тизим яратилган.

Фармонда белгиланган вазифалардан келиб чиққан ҳолда вазириликда қонунчилик ҳужжатлари ижросини ташкил этиш, ижро интизоми янада мустақкамлаш бўйича қўйидаги тизим жорий этилган:

биринчидан, қонунчилик ҳужжатлари келиб тушган куннинг ўзидаёқ унинг ижрога қаратиш юзасидан раҳбар топшириги (зарур ҳолларда буйруқ) тайёрланади ва имзоланиб, ижрочиларга тезкор етказилади;

иккинчидан, қонунчилик ҳужжатларининг назорат бандлари ва топшириқларда аниқ механизмлар, муддат ва масъуллар белгиланиши бўйича “Йўл хариталари” (ҳаракат режалари) ишлаб чиқилади ҳамда уларнинг ҳар бир ходим шахсий иш режасида акс эттирилиши таъминланади;

учинчидан, қонунчилик ҳужжатлари ва топшириқларнинг муддатидан олдин ижросини сифатли ташкил этиш чоралари қўрилади ва “Ijro.gov.uz” ижро интизоми идораларо ягона электрон тизимида ўз вақтида ҳисобот берилишига алоҳида эътибор қаратилади. Бунда топшириқлар ижросининг жойига чиққан ҳолда ташкил этилишига алоҳида эътибор қаратилади. Вазирилик марказий аппаратининг 2 нафар ходими Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятларга бириктирилган. Улар вазириликка юклатилган топшириқларнинг жойлардаги ижросини бевосита ташкил қилишга қўмақлашади;

тўртинчидан, ижро интизомини мустақкамлаш ва топшириқларнинг муддатида бажарилиши масаласи ҳар дунда кунни вазири ҳузурда, чоршанба ва жума кунлари вазири ўринбосарлари бошчилигида муҳокама қилинади ҳамда зарурий чоралар кўриб борилади.

Бундан ташқари, ҳар пайшанба кунни вазири бошчилигида тизим ташкилотлари ва ҳудудий бошқармалар билан ўтказиладиган видеоселектор муҳокамаларида ҳам ижро интизоми масаласи кўриб чиқилади;

бешинчидан, қўйилган вазифаларнинг моҳияти ва аҳамиятини вазирилик, тизим ташкилотлари ва ҳудудий бошқармалар ходимлари ўртасида тушунтириш мақсадида иқтисодий ўқувлар ташкил этиб борилади.

Бундан ташқари, Ўзбекистон Республикаси Президентини Администрацияси, Вазирилик, Вазирилик ва Адлия вазирилик билан биргаликда ижро интизомини мустақкамлаш, бу йўналишдаги муаммоларни бартараф этиш ва тизимини янада самарали ташкил этиш юзасидан амалий семинарлар ўтказилади;

олтинчидан, қонунчилик ҳужжатлари ва топшириқлар ўз вақтида, тўлиқ ва натижага ижро этилиши танқидий таҳлил қилиниб, вазирилик ҳайъати йиғилишларида муҳокама қилиб борилади ҳамда мўлжалланган мақсадларга эришилиши ва ижро интизоми ҳолати вазириликда жорий этилган ходимларнинг КРП тизимида акс эттириб борилади.

Фармон ва қарорга асосан, ижро интизоми идораларо ягона электрон тизими ва “Ijro.gov.uz” ягона назорат тизими орқали вазириликка келиб тушган топшириқлар ижросини доимий назорат қилиб бориш мақсадида вазириликда ташкил этилган ижро назорати бўлими қонунчилик ҳужжатларидаги топшириқларни рўйхатдан ўтказиш ҳамда раҳбарга ахборот беришдан ташқари, уларнинг ижрочилари, муддати ҳамда бажариш механизмини кўрсатган ҳолда, топшириқларга муносабат тайёрлаш ҳамда ижрочиларга етказилишини назорат қилади.

Шунингдек, қонунчилик ҳужжатлари ва топшириқларни ташкил қилиш, ўрганиш ҳамда ижро натижалари ва аниқланган муаммолари масалалар юзасидан Вазирилик Маҳкамаси, Адлия вазирилик ва Ҳисоб палатасига ахборот киритиб боради.

Давлатимиз раҳбари раислигида 2024 йил 28 ноябрь кунини бўлиб ўтган йўғилишда вазирилик, ҳокимлар ва тармоқ раҳбарларининг масъулиятини кучайтириш, барча топшириқнинг ижросини сўзсиз таъминлаш бўйича аниқ вазифалар берилган. Барча даражада раҳбарларга топшириқларни ижро муддатидан барвақт бажариш бўйича олдиндан зарур чора-тадбирлар кўриш, белгиланган вазифани бажариш натижадорлигини ошириш вазифаси юклатилди. Шу билан бирга, ҳар бир вазирилик, вилоят ва тумандаги ишларнинг тизимли ҳисоби юритилиши ва бу электрон платформага ўтказилиб, сўров ҳам, маош ҳам шунга боғлиқ бўлиши юзасидан ҳамда лавозимдан овоз қилиш каби кескин чоралар ҳам қўрилмоқда. Хусусан, 2024 йил ва жорий йилнинг ўтган даврида ижро интизомига риоя этмагани

учун 9 ходимга “хайфсан” интизомий жазо чораси қўлланган. Шу билан бирга, вазириликда назоратдаги ҳужжатлар билан ишлаш, ижросини таъминлашда “Ijro.gov.uz” электрон тизими марказий аппарат ходимлари, тизим ташкилотлари ва 14 та ҳудудий бошқарма билан тизимли ишлаш йўлга қўйилиб, ижро интизомига масъул ходимлар бириктирилган.

2024 йилда “Ijro.gov.uz” электрон тизими орқали вазирилик томонидан 1947 та топшириқ ижроси таъминланди. Бу борадаги ишлар жорий йилда ҳам изчил давом эттирилмоқда. Бугунга қадар вазириликда Ўзбекистон Республикаси Президентини ҳужжатлари бўйича қилинган 532 та топшириқдан 525 тасининг ижроси тўлиқ таъминланди.

Бундан ташқари, вазириликда қонунчилик ҳужжатлари ижросини таъминлашда соҳани рақамлаштириш борасидаги ишлар ҳам катта ёрдам бермоқда. Бу борада Президентимизнинг қарори асосида Ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантириш республика маркази ташкил этилган ва “Шаффоф қурилиш” миллий ахборот тизими ишлаб чиқилган.

“Шаффоф қурилиш” миллий ахборот тизими давлат мақсадида дастурларига киритилган объектилар, шунингдек, кўп квартиралы уйлари қуришга рухсат олишдан бошлаб, қуриб фойдаланишга топширишга бўлган барча жараёни қамраб олади. Яъни ҳар бир объект бўйича бажарилиши лозим бўлган ишларнинг муддатида амалга оширилиши онлайн назорат қилиб борилади. “Шаффоф қурилиш” миллий ахборот тизими негизда 16 та платформа ишга туширилган. Уларнинг ҳар бирида вазириликка юклатилган вазифа ва топшириқлар ижросини ташкил этиш ва назорат қилиш имконияти яратилган. Хусусан, “Давлат шаҳарсозлик кадастри” географик ахборот тизими орқали мамлакат ҳудудида юритилаётган давлат шаҳарсозлик кадастри тўғрисида батафсил маълумотлар олиш мумкин (қизил чизиклар, геологик районлаштириш, функционал зоналаш схемалари, ҳудуднинг архитектуравий режалаштириш ташкиллаштириш лойиҳаси, бош режалар, батафсил режалаштириш лойиҳалари).

“Қурилиш соҳасида давлат хизматларини кўрсатиш” ахборот тизимида қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги соҳасидаги барча 16 та давлат хизмати рақамлаштирилиши натижасида аҳоли ва бизнес ағзаларига уйдан чиқмаган ҳолда хизматлардан фойдаланиш имконияти яратилди. 2022-2024 йилларда “Давхизмат” ахборот тизими орқали 993,4 мингта объект бўйича давлат хизматлари кўрсатилган. Ҳудудий бошқармалар ва туман (шаҳар) бўлимлари томонидан 8 турдаги давлат хизматлари кўрсатиш юзасидан мурожаатлар ижросини таъминлаш бўйича ягона ахборот тизими жорий қилинган.

“Қурилишда давлат назорати” ахборот тизимида қурилиш объектиларида назорат инспекторлари томонидан аниқланган барча камчилик фотосуратлари билан бирга тизимга онлайн киритилади ва назорат жараёни автоматлаштирилади. Ҳар бир объект учун

QR-кодли паспорт жорий этилган, ушбу код орқали объект ҳақидаги барча маълумотни реал вақт режимда олиш мумкин. Қурилиш жараёни тизим орқали рақамлаштирилиб, қўшимча равишда объектлар реал вақт режимда кузатиб борилади.

“Менинг ҳудудим” платформаси ҳудудларда фуқароларнинг қўлай ҳаёт фаолияти муҳитини комплекс шакллантириш, шаҳарсозлик ва тадбиркорлик фаолиятида бюрократик тўсиқларни бартараф этиш ҳамда зарур шарт-шароитлар яратиш мақсадида ишлаб чиқилган. Унда:

- аҳоли пунктларининг шаҳарсозлик ҳужжатлари ва мастер режаларини ишлаб чиқишда жамоатчилик фикрини ўрганиш ҳамда овоз бериш механизми жорий этилди;
- ҳудудларда маҳаллий аҳоли ҳамда тадбиркорлик субъектларининг шаҳарсозлик ва тадбиркорлик фаолиятига таллуқли ташаббусларини киритиш имконияти яратилган.

“Менинг уйим” автоматлаштирилган биллинг ахборот тизимида ҳудудларда кўп квартиралы уй-жойларга хизмат кўрсатиш жараёнига мажбурий бадал тўловларини автоматлаштирилган тарзда ҳисоб-китоб қилиш, онлайн электрон пул тўлаш, истеъмолчилар яшаётган уй тўғрисида маълумотнома олиш, қарздорлиқни кўриш, бошқарув сервис компанияси (БСК) ва хусусий уй-жой мулкдорлар ширкати (ХУЖМШ) га мурожаат жўнатиш, мажлис баёни ва бошқа ҳужжатларни ахборот тизимида кўра олиш имконияти яратилган.

2022 йилда ишга туширилган ушбу биллинг тизимида 43 мингдан ортиқ кўп квартиралы уйнинг маълумоти киритилган, 1,3 миллион абонент учун шахсий ҳисоб рақам очилган, 1037 та бошқарув сервис компанияси, 268 та уй-жой мулкдорлари ширкати тизимда фаол ҳолатда ҳисоб юритилмоқда. Бу ишларни изчил давом эттирган ҳолда 2025 йилда “Шаффоф қурилиш” миллий ахборот тизими негизда 3 та дастурий тизим яратилади, 6 та тизим рақамлаштирилади, давлат хизматларини кўрсатиш бўйича 8 та электрон тизим такомиллаштирилади.

Қонунчилик ҳужжатларининг пухта ишлаб чиқилиши ҳам ижронини ташкил этишнинг муҳим воситасидир. Бу борада норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ишлаб чиқиш ва ҳуқуқий бўшлиқларни аниқ механизмга асосланган тизимга айлантириш борасида муайян чора-тадбирлар кўрилувчи. Таҳлилчилар эса 2023-2025 йил май ойига қадар 110 дан ортиқ норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳаси ишлаб чиқилганини кўрсатмоқда.

Қисқаси, қабул қилинаётган ҳар бир ҳужжат ижроси натижаси аҳоли турмуш даражасида ўз аксини топиши керак. Биргина аҳолини сифатли уй-жой билан таъминлаш борасида сўнгги уч йилда Президентимизнинг фармон, қарор ҳамда топшириқлари ижроси таъминлашни натижасида 221 минг хонадонли 5000 га яқин кўп квартиралы уй фойдаланишга топширилди.

Айниқса, давлатимиз раҳбарининг 2021 йил 9 декабрдаги “Янги Ўзбекистон” массивларини қуриш ва

ҳудудларнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланишини таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги фармони одамлар турмушини янада яхшилашга хизмат қилмоқда. Фармонда белгиланган вазифаларнинг изчил ижроси туфайли 2022 йилда ташкил этилган 29 та “Янги Ўзбекистон” массиви сони 2024 йилда 52 тага етказилди. Уларда 28 минг хонадонли 803 та уй қурилди. 2025 йилда “Янги Ўзбекистон” массивларида 28 минг хонадонли уйлар барпо этилмоқда.

Шу ўринда пудратчи ташкилотлар янгидан қураётган уйларнинг топширилиш муддати кечикиб, аҳоли тўлаган пуллар музлаб тургани, шартномалар асосан, қурувчи манфаатига хизмат қилаётгани каби оғриқли муаммолар борлигини ҳам айтиб ўтиш керак.

Шу каби ҳолатлар ва айна вазият уй-жой қурилишида аҳоли маблағи ҳамда ҳуқуқларини химоя қиладиган янги тартиб жорий этишни тақозо этаётган. Президентимизнинг жорий йил 27 январдаги “Уй-жой қурилиши соҳасини янада ривожлантириш, турар ва нотурар жой объектиларини улуш киритиш асосида қуриш жараёнини тартибга солиш механизmlарини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги фармони масала ечимида айна мудио бўлди.

Унда турар ва нотурар жой объектиларини улуш киритиш асосида қуриш жараёнини янада тартибга солишга қаратилган аниқ механизмлар белгиланди. Аввало, бунда жисмоний ва юридик шахсларнинг ҳуқуқлари химоя қилиниши таъминлаш кўзда тутилган. Қолаверса, уй-жойларни улуш киритиш ва ипотека кредити асосида сотиб олишнинг ишончли ва самарали имкониятлари яратилмоқда.

Биздан эса ушбу фармон билан яратилган имкониятларни жамоатчиликка етказиш ва жойларда ижросини тўғри ташкил қилиш талаб этилади.

ТАРТИБЛИ ҚУРИЛИШ, АВВАЛО, РЕЖАГА БОҒЛИҚ

Албатта, тартибли қурилиш, аввало, бош режага боғлиқ. Шу мақсадда 2022-2024 йилларда 388 та бош режа ишлаб чиқилди. 1660 таси эса кишлоқ аҳоли пунктларининг шаҳарсозлик ҳужжатлариридир.

Президентимизнинг 2023 йил 11 сентябрдаги “Шаҳарсозлик фаолияти соҳасида давлат бошқаруви тизимини янада такомиллаштириш ҳамда 2023-2027 йилларда аҳоли пунктларининг шаҳарсозлик ҳужжатларини ишлаб чиқиш дастурларини тасдиқлаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорига биноан жорий йилда 161 та шаҳар ва шаҳарчининг бош режалари ҳамда 108 та кишлоқ (овул) аҳоли пункти ҳудудларини шаҳарсозлик жиҳатидан ривожлантириш схемаларини ишлаб чиқиш белгиланган.

Бугунга қадар тасдиқланган дастурга киритилган 48 та шаҳардан 32 тасининг бош режаси тўлиқ ишлаб чиқилиб, Вазирилик Маҳкамаси ҳузурдаги Республика архитектура-шаҳарсозлик кенгаши муҳокамасида кўриб чиқилиб, маъқулланди.

Келгусида бош режалар мутлақо янги кўринишда, яъни GIS форматига ишлаб чиқилишини таъминлаш борасида ишлар давом эттирилмоқда. Барча бош режа геоахборот тизимига рақамли форматда юкланади ҳамда ушбу тизимда шаҳарларнинг рақамли эгизаги яратилади. Бунинг учун жорий йилда 12 та шаҳар ва 46 та шаҳарча бош режаси, 94 та кишлоқ схемаси ушбу тизимга жойлаштирилади.

“Шаффоф қурилиш” тизимида шаҳарларнинг рақамли эгизаги асосида ишлайдиган “Рақамли шаҳарсозлик кенгаши” платформаси ишлаб чиқилди. Объектларга муҳандислик-коммуникация тармоқларига улаштириш учун техник шарт бериш жараёни ҳам рақамлаштирилади. Қисқаси, топшириқлар ва ҳужжатлар билан ишлаш вазиригимизда янада кучайтирилади. Бу борада мутасадди раҳбарлар ва масъул ходимлар масъулияти кескин оширилди. Зеро, ҳужжатлар ва топшириқлар ижросини ўз вақтида ва сифатли бажариш ҳар бир ходимнинг устувор вазифасидир.

Давлатимиз раҳбари нутқларига қарорлар ижроси, ижро интизоми ва шахсий жавобгарлик масалаларига алоҳида эътибор қаратилади. Ушбу фикрлар раҳбарлар ва масъул шахслар учун муҳим йўл-йўриқ бўлиб, уларнинг фаолиятида самарадорлик ва халқ ишончини таъминлашда асосий омилдир.

Албатта, халқимизнинг рози қилиш йўлида халқ қиладиган ишмизи кўп. Бунинг учун, энг аввало, Президентимиз фармон ва қарорларида белгиланган вазифалар ижросини оғишмай, сўзсиз таъминлаш талаб қилинади. Бунга кучимиз, салоҳиятимиз ва имкониятимиз етарли. Шундай экан, ўзимизга билдирилган ишончини оқлаш учун бор имкониятимизни ишга солашим.

◀ 1-бет

“ИНСОН ҚАДРИ УЧУН” ТАМОЙИЛИ ҲАЁТДА ЎЗ ИФОДАСИНИ ТОПМОҚДА

Юртимизда аҳолини уй-жой билан таъминлашда бир қатор ишлар амалга оширилмоқда. Хусусан, эҳтиёжмандларнинг дастлабки бадални кўпроқ тўлаб арзонроқ кредит олиш имкониятига эга бўлиши ҳам муҳим воқеалик бўлди. Бундан ташқари, уй-жой олишга аҳолига берилётган субсидиянинг муддати қисқартирилиши, белгиланган муддатда субсидия сертификатида фойдаланмаган фуқароларга субсидия олиш учун яна қайта мурожаат қилиш ҳуқуқи берилиши халқимизга берилган қўлайликлардан биридир. Жорий йилда ипотека кредити бўйича дастлабки бадал ва фойз тўловларининг бир қисmini қоплаш учун субсидиялар сонини бир ярим баробар ошириш ва маъзур мақсадларга давлат бюджетидан 2,5 триллион сўм йўналтирилиши мамлакатимизда инсон ҳаёти қадрлинишининг амалдаги ифодасидир.

Аҳолини уй-жой билан таъминлашнинг замонавий тизими яратилиб, Президент раҳбарлигида бу борада олиб борилётган ислохотларнинг қўлами ортиб бормоқда. Жорий йилда бу ишлар янги босқичга олиб чиқилди. Сўнгги йилларда аҳоли сони йилга қарий 800 минг нафарга, янги оилалар сони эса 300 мингтага ортгани уй-жойга бўлган талабни қондиришни жадаллаштиришни тақозо этмоқда. 2025 йил 21 февраль куни Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан имзоланган “Уй-жой ва ипотека бозорини янада ривожлантиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги фармони Янги Ўзбекистонни улкан қурилиш ва бунёдкорлик майдонига айлантирди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2025 йил 21 февралдаги 26-сон фармони асосида 2025 йил учун субсидиялар белгиланган бўлиб, – деди Самарқанд вилояти Иқтисодиёт ва молчи бош бошқармаси бўлим бошлиғи Шохрух Эшқувватов. – Самарқанд вилояти учун 3 431 та субсидия лимити ажратилган бўлиб, бугунги кунда ушбу лимит тўлиқ қардорларга ажратилди ҳамда фуқаролар томонидан ушбу лимит асосида субсидия хабарномаларидан фойдаланиш амалиёти амалга ошириб келинмоқда. 2025 йил субсидия бериш жараёнида жами 19 423 та фуқаролардан аризалар келиб тушган. 5 йилдан бери субсидия берилётган бўлса, агар энг кўп аризалар миқдорини аниқласак, Самарқанд вилояти учун ажратилган лимит ҳам мана шу субсидия берилиш жараёнида энг кўп лимитлардан бири ҳисобланади. Лимитларни сарфлашга келадиган бўлса, 778 нафар фуқаро бугунги кунда субсидия асосида уй-жой олиш учун шартномалар имзолаган, шундан, 541 нафар фуқаро субсидия хабарномасидан тўлиқ фойдаланган ҳисобланади ва қолган фуқаролар бугунги кунда ўзига маъқул бўлган уй-жой танлаш жараёнида. Таъкидлаш керакки, субсидия ажратишда 2025 йилда талаблар ўзгарди. Олдинги йилларда 5 йил миқсидида тижорат банклари бериладиган ипотека кредитлари фойз миқдорининг 10 фоизидан зиёд қисмини тўлаб келатган бўлса, бу йилдан 12 фоиздан зиёди тўланади. Кредит маблағларининг бирламчи тўловларини 30 млн сўм миқдори субсидия асосида қоплашиб берилади. Самарқанд вилоятида 2025 йили 12 500 та уй-жой қурилиши мўлжалланган. Бу уй-жойларнинг қурилиши режа-трафик асосида тасдиқланган ва уларнинг қурилиши, ишларнинг бориши, фойдаланишга топширилиши мунтазам равишда назорат қилиб борилади. Шу асосида ақсарият фуқаролар ҳар бир туман марказида қурилатган уй-жойларни субсидия асосида кредитларни олиб, уларни харид қилишмоқда.

Тахлилларга тўхталсак, сўнгги беш йилда умумий майдони 21,7 млн метр квадрат бўлган кўп қаватли уй-жойнинг “Уй-жой ва ипотека бозорини янада ривожлантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги фармони асосан жами 750 минг метр квадратдан иборат 12 500 хонадонли 179 та уйларни қуриш белгиланган. Жумладан, “Янги Ўзбекистон” массивларида 65 та 4 741 хонадонли талаб юқори бўлган бошқа ҳудудларда 114 та 7 719 хонадонли уй-жойлар қурилиши режалаштирилган бўлиб, 56 та 4 351 хонадонли уй-жойлар реновация асосида қурилмоқда. Ҳозиргача 645 хонадонли 11 та уйлар фойдаланишга топширилди. 2025 йилда ипотека кредитлари асосида фуқаролардан келиб тушган аризалар асосида 3 431 нафар фуқарога субсидия тақдим этилди.

Вилоят Адлия бошқармаси томонидан Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2025 йил 21 февралдаги фармони асосан янги параметрлар қабул қилингани ва унинг натижасида эса қўшимча уй-жой сотиб олиш ва уни



лар барпо этилиб, аҳолининг уй-жой сотиб олишига қўмаклашиш учун 67 триллион сўмлик ипотека кредитлари ажратилди. Ушбу мақсадларга давлат бюджетидан 44 триллион сўм йўналтирилди. Даромади юқори бўлмаган 64 минг нафар фуқарога 3,5 триллион сўмдан ортиқ субсидия маблағлари тўлаб берилди. Бу борада Самарқанд вилоятида ҳам салмоқли натижалар бор.

Кайд этиш жоизки, Самарқанд вилоятида давлат дастурлари асосида 2024 йил мобайнида 11 мингдан ортиқ хонадонли 153 та кўп қаватли уй-жойлар қурилиб, фойдаланишга топширилган. Жорий йилда эса вилоят ҳудудида Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Уй-жой ва ипотека бозорини янада ривожлантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги фармони асосан жами 750 минг метр квадратдан иборат 12 500 хонадонли 179 та уйларни қуриш белгиланган. Жумладан, “Янги Ўзбекистон” массивларида 65 та 4 741 хонадонли талаб юқори бўлган бошқа ҳудудларда 114 та 7 719 хонадонли уй-жойлар қурилиши режалаштирилган бўлиб, 56 та 4 351 хонадонли уй-жойлар реновация асосида қурилмоқда. Ҳозиргача 645 хонадонли 11 та уйлар фойдаланишга топширилди. 2025 йилда ипотека кредитлари асосида фуқаролардан келиб тушган аризалар асосида 3 431 нафар фуқарога субсидия тақдим этилди.

Вилоят Адлия бошқармаси томонидан Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2025 йил 21 февралдаги фармони асосан янги параметрлар қабул қилингани ва унинг натижасида эса қўшимча уй-жой сотиб олиш ва уни



реконструкция қилиш бўйича давлат томонидан ажратиладиган субсидия бериши назоратта олиш ва тартибга солиш бўйича кўплаб ишлар амалга оширилмоқда.

Субсидия деганда кўпчилик фуқаролар томонидан тушунмовчиликлар келиб чиқатгани, бунинг натижасида фуқаролар томонидан турли аризалар юборилаётгани маълум бўлмоқда. Субсидия деганда фуқаролар томонидан яққа тартибдаги уй-жойлар сотиб олиш эки уни реконструкция қилиш бўйича давлат томонидан фойзаларнинг бир қисмини қоплаб беришга ажратиладиган пул маблағлари ҳисобланади, – деди Самарқанд вилояти Адлия

2025 йил 1 январдан бошлаб “Янги Ўзбекистон” массивларида қурилиши белгиланган кўп қаватли квартиралар уй-жойларни қуриш учун ерларни ижарага бериш бўйича аукцион савдоларига чиқариш кўп квартиралар уй-жойларни қуриш ва уларни реализация қилиш фақат кўшилган қиймат солиғи тўловлари юзасидан шахсларга руҳсат этиш белгиланган. Шунингдек, ушбу фармон билан 2025 йилда ипотека кредитларини қайта молиялаштириш учун ресурслар ажратиш мақсадида кўрсаткичлар ипотека кредитлари бўйича бадаллар соддалаштирилган ҳолат тамойиллари асосан ипотека кредитлари орқали аҳолини уй-жой билан таъминлаш давлат дастурига асосан амалга ошириш йўли харитасида белгилаб олинган.

2026 йил 1 январдан бошлаб эскроу тизими асосида 50 фоизда қурилиш кўп қаватли жойлашган квартираларни сотиб олиш учун кредитлар ажратиш ҳамда бу кредитлар бўйича давлат бюджетидан субсидиялар ажратиш белгилаб ўтилган. Бу аҳолига жуда қўлайликлар келтириб чиқариши билан аҳолини субсидия олиш ва тадбиркорлар томонидан субсидия асосида уй-жойлар қуриш бўйича енгилликлар назарда тутилган.

Давлатимиз раҳбари томонидан охириги йилларда субсидия асосида уй-жойларни сотиб олиш ва реконструкция қилиш бўйича бир қатор қарорлар ишлаб чиқилган бўлиб, бу қарорлар натижасида йиллар давомида уйга эга бўлмаган минглаб фуқаролар бугунги кунда уй-жой билан таъминланаётгани ва ипотека кредити асосида улар уй сотиб олиб яшаётгани бу қарорларнинг бугунги кунда долзарблигини ошираётгани, бунинг натижасида эса фуқаролар уй-жой олиши учун яхшигина имкониятлар яратилаётганини билиб олиш мумкин.

Маълумотларга кўра, жорий йилда мамлакатимизда 120 минг хонадонли кўп қаватли уй-жой қурилиши режалаштирилган. Бу уйларда яшил энергиядан фойдаланилиши натижасида ҳудудлардаги одамларнинг дунёқароши ўзгариб, яшаш тарзи яхшиланади. Иш ўрни кўнаиб иқтисодиёт ривожланади. Бу йил уй-жой дастурларини молиялаштиришга бюджетдан 15 триллион 500 миллиард сўм ажратилиши кўзда тутилган, шу билан бирга, банклар томонидан қўшимча равишда 10 триллион сўм, Ипотекани қайта молиялаштириш компанияси томонидан 23 триллион сўм йўналтирилди. Бунинг ёрдамида 70 мингта хонадонли ипотека кредити орқали сотилишига шароит яратилди. Шундан, даромади юқори бўлмаган 30 минг оилага бошланғич бадал учун бюджетдан субсидия тўланади.

Инсон кадри улугланган юрт аҳолини уй-жой билан таъминлаш, уларга юқори сифатли хизмат кўрсатиш соҳасидаги бундай янгилликлар, имтиёз ва енгилликлар юртимизда “Инсон кадри учун” тамойили ҳаётда нечоғли ўз ифодасини топаётганидан далолат бериб турибди.

19 та микроГЭС барпо этилмоқда



Ғайрат БҲРИЕВ, Сурхондарё вилояти ҳокимлигининг Ахборот хизмати бош мутахассиси.

Бугунги кунда Ўзбекистонда қайта тикланувчи энергия манбаларидан фойдаланиш, экологик барқарорликни таъминлаш ва аҳоли турмуш сифатини яхшилаш давлат сиёсатининг устувор йўналишларидан бирига айланмоқда. Хусусан, Сурхондарё вилоятида табиий сув оқимларидан самарали фойдаланиш асосида гидроэнергетика салоҳиятини ривожлантириш бўйича муҳим қадамлар қўйилляпти.

Вилоятдаги ирригация тизимидаги каналлар оқимидан фойдаланган ҳолда жами 19 та микро гидроэлектр станцияси (микроГЭС) қурилиши режалаштирилган бўлиб, бу орқали қайта тикланувчи, экологик тоза электр энергиясини ишлаб чиқариш мақсад қилинган.

Айни пайтда “Ўзбекгидроэнерго” АЖ томонидан умумий қуввати 435 кВт бўлган 14 та микроГЭС қурилиши амалга оширилмоқда. Шу билан бирга, Хитой Халқ Республикаси-нинг тўғридан-тўғри инвестициялари асосида, 5 миллион АҚШ доллари миқдоридидаги тўлиқ хорижий маблағ эвазига яна 5 та замонавий микроГЭС лойиҳаси барпо этиляпти. Бу каби шерикли шаклидаги энергетик лойиҳалар нафақат ташқи инвестицияларни жалб этиш, балки маҳаллий инфратузилмани ривожлантириш, янги иш ўринларини яратиш ва замонавий технологияларни жорий этиш имконини ҳам бermoқда.

Хусусан, Жарқўрган туманидан оқиб ўтувчи Занг каналида умумий қуввати 180 кВт бўлган 3 та микроГЭС, шунингдек, Аму-Занг каналида 50 кВт ли 1 та кинетик турбинали микроГЭСни биринчи ярим йиллик якуни билан, қолган станцияларни эса йил охирига қадар ишга туширилиши режалаштирилган. Лойиҳаларнинг муваффақиятли амалга оширилиши натижасида йилига 2,2 миллион кВт

соат экологик тоза электр энергияси ишлаб чиқарилади. 900 та хонадон “яшил” энергия билан доимий таъминланиб, 630 минг куб метр табиий газ иқтисод қилинади.

Маъзур микроГЭСлар нафақат миллий энергетика тизими барқарорлигини оширади, балки аҳоли учун бир қанча қўлайликларни ҳам яратлади. Аввало, қишлоқ ҳудудларда электр таъминотининг узлуksизлиги таъминланади. Бу эса аҳоли турмуш даражасини ошириш, тадбиркорликни ривожлантириш ва янги иш ўринлари яратилишига хизмат қилади. Шунингдек, “яшил” энергия манбаларининг кенгайтирилиши орқали атроф-муҳит муҳофазасига ҳисса қўшилади. Ҳаво ифлосланиши, углерод гази чиқиндилари камайиши ва аҳоли саломатлигига ижобий таъсир кўрсатиш каби муҳим жиҳатлар ҳам инобатга олинмоқда.

Сурхондарё вилоятида амалга оширилаётган маъзур лойиҳалар нафақат минтақавий энергетика салоҳиятини мустақамлайти, балки умумий миллий даражадаги “яшил тараққиёт” сиёсатини қўллаб-қувватлашда муҳим ўрин тутди. МикроГЭСлар биринчи ярим йиллик якуни билан, қолган станцияларни эса йил охирига қадар ишга туширилиши режалаштирилган. Лойиҳаларнинг муваффақиятли амалга оширилиши натижасида йилига 2,2 миллион кВт

Куёш панеллари кенг жорий этиляпти

Зулфизар МАВЛОНОВА, O'zbekiston bunyodkori" мухбири.

Бухоро вилоятининг Шофиркон туманида қишлоқ хўжалигини замонавий ва экологик тоза технологиялар асосида ривожлантириш ишлари изчил давом этмоқда.



Айниқса, пахтачилик ва ғаллачиликка ихтисослашган 300 дан ортиқ фермер хўжалигида ҳосилдорликни ошириш, сув таъминотини барқарорлаштириш мақсадида қуёш панеллари кенг жорий этиляпти. Сўғориш тизимида дренаж қудуқлари ва насос агрегатларининг самарали фаолият юритиши учун қуёш панеллари асосий энергия манбаи сифатида хизмат қилмоқда. Бу орқали электр таъминоти барқарорлиги таъминланиб, харажатлар ҳам анча қисқармоқда.

Хусусан, Шароф Рашидов номли маҳалладаги тажрибали фермер Ҳасан Якубов раҳбарлик қилаётган “Бабо Чо’пон ота” хўжалигида 32 гектар майдондаги экин ерларини сўғориш мақсадида 60 кВт соатлик қуёш панеллари ўрнатилди. Ҳозирда ушбу хўжалик ойига ўртача 11 минг кВт соат электр энергияси истеъмол қилмоқда

ва бу эҳтиёжнинг катта қисми қуёш энергияси орқали қопланмоқда.

Шунингдек, “Shavqiddin Jamshid”, “O’ktam Latif Saxiy”, “Bafo bobo Cho’pon ota”, “Zumrad”, “Bodimax” ва “E’zozbek Rasul bobo” каби йирик фермер хўжалигида дренаж қудуқлари ва насос қувватга эга қуёш панеллари ўрнатиш ишлари бошланган. Бу лойиҳаларни амалга ошириш учун “Агробанк” АТБ-нинг Шофиркон филиали томонидан 1 миллиард 393 миллион сўм миқдоридида имтиёзли кредит ажратилган.

Мутахассисларнинг таъкидлашича, 60 кВт қувватга эга қуёш панеллари насос ва дренаж тизимларининг узлуksиз ишлаши ҳам таъминлайди. Тумандаги бу тажриба экологик тоза, иқтисодий жиҳатдан самарали ва замонавий агротехнологияларни чекка ҳудудларга жорий этишининг ёрқин намунаси бўлмоқда.

ШИФОХОНА УЧУН ЯНГИ БИНО

Ҳамза ШУКУРОВ,
“O‘zbekiston bunyodkori” мухбири.

Бугун Самарқанд шаҳри ва унинг атрофларида бажарилаётган кенг миқёсдаги бунёдкорлик ишларига тасаннолар айтсак, арзийди. Қурилаётган кўп қаватли уй-жойларнинг чеки йўқ. Шифохона, мактаб сингари ижтимоий соҳа иншоотлари, савдо ва маиший турдаги хизмат кўрсатиш бинолари сони ҳам кун сайин ортмоқда.

Хусусан, вилоят руҳий касалликлар шифохонасига тегишли 2,5 гектар ҳудудда наркология диспансери учун барпо этилаётган янги бино ҳам ушбу бунёдкорлик ишларининг давомидир. Тиббиёт муассасасининг янги биноси олти қаватли бўлиб, унда тиббиёт ходимлари ва даволанувчилар учун ҳамма шароитлар муҳайё



этилади. Бу ҳақда вилоят ҳокимлигининг “Ягона буюртмачи хизмати инжиниринг компанияси” давлат унитар корхонаси бош муҳандиси Суръат Қурбонов куйидаги маълумотларни берди:

– Ушбу объектда “Технология ҚҚ” МЧЖ лойиҳаси асосида ишлар олиб бо-

рилди. Лойиҳада амалга оширилиши лозим бўлган барча ишлар белгилаб берилган. Улардан бири – лифт хизматининг йўлга қўйилишидир. Эҳтимол, бу масала айрилар учун арзимасдек туюлар. Аммо кундалик турмуш тарзимизда, айниқса, шифохоналарда лифтнинг алоҳида ўрни

бор. Шу боис, лойиҳачиларимиз кейинги пайтда хизматнинг бундай турига алоҳида эътибор қаратишмоқда.

Бугунги кунда шифохона биноси қурилиши низоҳасига етди, ҳисоб. Бино фойдаланишга топширилиши учун унда сўнги пардозлаш ишлари амалга оширилмоқда.

Пудратчи – “Жартена қурилиш дизайн” МЧЖ иш юритувчиси Санжар Шапиров жамият ишчилари, мутахассислари меҳнати ҳақида илиқ фикрлар билдириб, объектда жорий этиладиган ангилликлар билан бўлиши:

– Бино томига мукобил энергия манбаини ўрнатиш туфайли фойдаланиладиган электр энергиясининг камида 30 фоизи шу ернинг ўзида ишлаб чиқарилади. Бу, энергия самарадорлигини оширишнинг энг қулай йўлидир. Ёруғлик сезувчи қурилма ва ёриткичларнинг ўрнатилиши ҳам энергия тежамкорлиги йўлида ташланаётган қадамдир. Мен нега қурилиш ҳақида эмас, электр муаммолари ечими ҳақида гапиряпман. Бунинг сабаби, етарли энергияга эга бўлиш, барча касб эгаларига, жумладан, қурувчиларга ҳам қайсидир жиҳатдан қулайлик яратди.

Академик алмашинув ва мобиллик алоқаси мустаҳкамланяпти

Қамол АБДУСАМАТОВ, Жиззах политехника институтининг Қурилиш материаллари ва конструкциялари кафедраси доценти, т.ф.д. (PhD).

2023 йилдан бошлаб Жиззах политехника институти билан И. Раззақов номидаги Қирғиз давлат техника университети ўртасида таълим, илмий тадқиқотлар ва академик алмашинув соҳасида ҳамкорлик алоқалари ўрнатилган. “Ўзаро ҳамкорлик алоқалари тўғрисида”ги шартноманинг “Академик алмашинув ва мобиллик” бўлимида келтирилган вазифалар ижросини таъминлаш мақсадида 2023–2024 ўқув йилида ҳар икки олий таълим муассасаларининг қурилиш материаллари ва конструкциялари йўналишларида таҳсил олаётган талабалари амалиёт ўташмоқда.

Қирғиз давлат техника университетининг 14 нафар талабаси жорий йилнинг 2 июнидан 14 июнига қадар академик алмашинув ва мобиллик асосида институти-мизнинг Қурилиш материаллари ва кон-

струкциялари кафедрасига амалиёт ўташ учун келишди. Дастлаб қирғизистонлик талабалар институтидаги шароитлар, ўқув жиҳозлари, замонавий ўқув лаборатория хоналари билан таништирилди.

Шунингдек, вилоятдаги қурилиш материаллари ишлаб чиқариш йўналишида фаолият юритаётган “Зенаткор” ТББ, “Ультра бетон” МЧЖ, “Master Building Products” МЧЖ ҚҚ бошқа корхоналарида бўлишди. Замонавий технологик ускуналар ёрдамида ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларни тайёрлаш ҳамда автоматлаштирилган дастурлар орқали ускуналарни бошқариш жараёнлари билан бевосита танишдилар.

Шундан сўнг, ўлкамизнинг маданий мероси билан таништириш мақсадида қардош мамлакат талабалари иштирокида Самарқанд шаҳрига саёҳат уюштирилди. Саёҳат давомида меҳмонлар кўҳна Самарқанднинг тарихий обидалари билан танишиб, юртимиз тарихи ҳақидаги биллиларини янада оширдилар.

Ўз навбатида, институти-мизнинг Қурилиш материаллари ва конструкциялари кафедраси талабаларини Бишкек шаҳридаги

Қирғизистон давлат техника университетида амалиёт ўташи режалаштирилмоқда. Жорий йилнинг 23 июнь санасидан бошланиши режалаштирилган амалиёт давомида талабаларимиз Қирғиз Республикасидаги қурилиш материаллари ишлаб чиқарувчи корхоналар фаолияти, ишлаб чиқариш жараёнлари билан танишиб, ўқув йили давомида олган биллиларини бевосита амалиётда мустаҳкамлашди.

Академик алмашинув бўйича бундай тадбирларнинг амалга оширилиши муассасалар ўртасида илмий салоҳиятни ривожлантириш, ўзаро ҳамкорликни кенгайтириш ва мустаҳкамлашга хизмат қилади. Қолаверса, бундай мулоқотлар изчил ривожланиб бораётган халқаро муносабатлар тарихида муҳим аҳамият касб этиб, келажакда янада самарали натижаларга эришишга кенг имкониятлар яратиши шубҳасиз.

Қисқа сатрларда

Давлат дастури доирасида Кегейли туманининг “Узум боғ” овул фуқаролар йиғини ҳудудидаги еттига аҳоли пунктида истиқомат қилаётган 270 та хонадон тоза ичимлик сувига улааниш имкониятига эга бўлди.

Давлат раҳбарининг тегишли қарори асосида аҳоли пунктидаги сув иншоотини реконструкция қилиш, 15,6 километр масофадаги ичимлик суви тармоғини янгидан тортиш режага киритилган эди. Қисқа вақт оралиғида умумий қиймати 3520,8 миллион сўмлик қурилиш ишлари амалга оширилиб, янгиланган иншоот фойдаланишга топширилди.

Жиззах вилоятининг Фориш туманидаги “Эгизбулок” маҳалла фуқаролар йиғини ҳудудида хитойлик инвесторлар томонидан қуввати 500 МВт бўлган қуёш фотоэлектр станцияси бунёд этилмоқда.

Яқин орада объект қуриб битказилса, туман ҳудудидаги маҳаллалар ва ишлаб чиқариш корхоналари учун электр энергияси билан боғлиқ муаммо бўлмайд. Лойиҳа қиймати 450 миллион АҚШ доллари бўлган ушбу станцияда 450 та янги иш ўрни яратилади.

Қашқадарё вилоятининг Китоб туманидаги Қайнар ва Башир қишлоқларига туризм қишлоғи мақоми берилди.

Тоғ бағрида жойлашган сўлим табиатли мазкур қишлоқларда ўнлаб болалар оромгоҳи, дам олиш масканлари ва сихаттоҳлар жойлашган. Шунингдек, сайёҳларга хизмат кўрсатиш учун 30 тадан ортиқ оилавий меҳмон уйлари, меҳмонхона, хостел ҳамда соғломлаштириш масканлари ҳам фаолият юритмоқда. Эндилликда бу жойларда кўплаб истиқболли лойиҳалар амалга ошириляпти.

Паркент туманида реконструкция қилинган асосий кўприк яқинда фойдаланишга топширилди.

Давлат раҳбарининг ташаббуси билан ҳудудда амалга оширилаётган кўплаб йирик лойиҳаларга мазкур объект ҳам киритилган бўлиб, бунёдкорлик ишлари натижасида кўприк замонавий қиёфага келтирилди. Эски кўприкнинг узунлиги 43 метр, 2 тасмали, кенглиги 10 метр эди. Ундан бир кеча-кундузда ўртача 2 минг 500 та автомобиль ўтарди. Янгиланган кўприкнинг узунлиги 57 метр бўлиб, 6 тасмали, кенглиги эса 24 метрга етказилди. Айни пайтда янги кўприк орқали бир суткада ўртача 7 минг 500 дан ортиқ автомобиль тез ва хавфсиз ўтмоқда.

Ўз мухбиримиз.

“Respublika mulk markazi” МЧЖ “Poytaxt filiali”

бошланғич баҳоси ошиб бориши тартибда ўтказиладиган очиқ аукцион савдога таклиф этади!

Савдога “LOMBARD TASHKREDIT” МЧЖнинг 2025 йил 17 июндаги 78-сонли ариза буюртманомаси ҳамда Тошкент шаҳар Яшнобод туманида хусусий амалиёт билан шуғулланувчи нотариал идоранинг 2025 йил 2 июндаги ижро хатларига асосан ундирувга қаратилган, Тошкент шаҳри, Яшнобод тумани, Авиасозлар кўчаси, 1-уй, 115-хонадон манзилида сакланаётган қуйидаги заргарлик буюмлар кўйилмоқда:

№	Гаров патта рақами	Заргарлик буюмлар номи	Бошланғич баҳоси, сўмда
1.	8571	Кольца 4 шт. с дефектом, о.в. 6,76 гр., ч.в. 6,40 гр., 585 пр.	4 128 570,00
2.	9081	Серьги 2 пары, о.в. 7,20 гр., ч.в. 6,10 гр., 585 пр.	4 601 250,00
3.	9171	Серьги 1 пара, о.в. 1,59 гр., ч.в. 1,20 гр., 585 пр.	965 250,00
4.	9671	Серьги 1 пара, кольцо 1 шт., о.в. 10,85 гр., ч.в. 9,55 гр., 585 пр.	5 958 677,48
5.	10088	Кольцо 1 шт. с дефектом, серьги 1 пара, о.в. 6,83 гр., ч.в. 4,80 гр., 585 пр.	3 306 834,00
6.	10236	Кольца 3 шт. с дефектом, серьга 1 шт. без пары, о.в. 11,25 гр., ч.в. 9,75 гр., 585 пр.	6 360 853,54
7.	10244	Кольцо 1 шт., о.в. 3,31 гр., ч.в. 3,31 гр., 585 пр.	2 382 400,70
8.	10495	Серьги 1 пара, о.в. 2,22 гр., ч.в. 2,00 гр., 585 пр.	1 408 791,50
9.	10607	Кольцо 1 шт, серьги 1 пара, о.в. 6,31 гр., ч.в. 5,80 гр., 585 пр.	4 060 900,00
10.	10743	Кольца 3 шт. с дефектом, цепь 1 шт., о.в. 10,89 гр., ч.в. 10,09 гр., 585 пр.	5 286 799,94
11.	10831	Серьги 1 пара, о.в. 2,52 гр., ч.в. 2,10 гр., 585 пр.	1 202 694,44
12.	11049	Серьги 1 пара, кольцо 1 шт., о.в. 7,36 гр., ч.в. 7,36 гр., 585 пр.	4 793 525,32
13.	11114	Серьги 1 пара, о.в. 2,79 гр., ч.в. 2,79 гр., 585 пр.	1 814 065,15
14.	11328	Кольцо 1 шт. с дефектом, о.в. 1,63 гр., ч.в. 1,63 гр., 585 пр.	1 052 413,00
15.	11513	Кольцо 1 шт., о.в. 3,14 гр., ч.в. 3,14 гр., 585 пр.	1 422 845,65
16.	11647	Серьги 1 пара, о.в. 2,33 гр., ч.в. 1,90 гр., 585 пр.	1 282 001,66
17.	11927	Кольцо 1 шт. с дефектом, о.в. 2,42 гр., ч.в. 2,42 гр., 585 пр.	1 528 830,00
18.	11985	Колье 1 шт., о.в. 28,88 гр., ч.в. 23,00 гр., 585 пр.	18 236 250,00
19.	12051	Кольцо 1 шт., о.в. 1,73 гр., ч.в. 1,73 гр., 585 пр.	1 318 619,21
20.	12144	Кольца 4 шт., о.в. 9,40 гр., ч.в. 9,20 гр., 585 пр.	7 328 250,00
21.	12219	Кольцо 1 шт., браслет 1 шт., о.в. 16,36 гр., ч.в. 12,36 гр., 585 пр.	8 922 293,71
22.	12347	Кольцо 1 шт., о.в. 3,53 гр., ч.в. 2,03 гр., 585 пр.	1 647 000,00
23.	12358	Серьги 2 пары, кольца 4 шт., о.в. 20,40 гр., ч.в. 19,10 гр., 585 пр.	16 418 250,00
24.	12490	Серьги 1 пара, кольцо 1 шт., о.в. 9,41 гр., ч.в. 8,71 гр., 585 пр.	5 586 000,00
25.	12524	Кольца 2 шт., серьги 1 пара, о.в. 12,73 гр., ч.в. 10,73 гр., 585 пр.	6 570 750,00
26.	12564	Серьги 1 пара, кольцо 1 шт., о.в. 3,07 гр., ч.в. 2,50 гр., 585 пр.	1 419 750,00
27.	12580	Серьги 1 пара, о.в. 1,28 гр., ч.в. 1,18 гр., 585 пр.	780 162,45
28.	12610	Серьги 1 пара, о.в. 2,58 гр., ч.в. 2,58 гр., 585 пр.	1 891 841,42
29.	12794	Серьги 1 пара, о.в. 7,04 гр., ч.в. 6,34 гр., 585 пр.	5 055 750,00
30.	12836	Цепь 1 шт., о.в. 9,97 гр., ч.в. 9,97 гр., 585 пр.	7 934 250,00

№	Гаров патта рақами	Заргарлик буюмлар номи	Бошланғич баҳоси, сўмда
31.	12850	Кольцо 1 шт., серьги 1 пара, браслет 1 шт., о.в. 5,90 гр., ч.в. 5,40 гр., 585 пр.	4 298 250,00
32.	12887	Серьги 3 пары, кулон 1 шт., цепь 1 шт., о.в. 33,95 гр., ч.в. 33,15 гр., 585 пр.	24 296 250,00
33.	12891	Кольца 4 шт., о.в. 14,97 гр., ч.в. 11,67 гр., 585 пр.	9 222 000,00
34.	12923	Серьги 1 пара, кольцо 1 шт., цепь 1 шт., кулон 1 шт., о.в. 16,53 гр., ч.в. 13,30 гр., 585 пр.	10 436 967,38
35.	13009	Браслет 1 шт., цепь 1 шт., кольца 2 шт., о.в. 17,54 гр., ч.в. 17,44 гр., 585 пр.	12 933 750,00
36.	13038	Кольцо 1 шт., о.в. 2,57 гр., ч.в. 2,57 гр., 585 пр.	1 465 646,42
37.	13066	Кольцо 1 шт., о.в. 6,98 гр., ч.в. 6,78 гр., 585 пр.	5 358 750,00
38.	13120	Серьги 1 пара, о.в. 6,24 гр., ч.в. 5,40 гр., 585 пр.	4 298 250,00
39.	13156	Цепь 1 шт., кулон 1 шт., о.в. 9,76 гр., ч.в. 9,66 гр., 585 пр.	7 025 037,90
40.	13178	Кольцо 1 шт., о.в. 1,37 гр., ч.в. 1,37 гр., 585 пр.	1 041 000,00
41.	13218	Серьги 1 пара, кольцо 1 шт., о.в. 6,56 гр., ч.в. 6,30 гр., 585 пр.	3 255 930,00
42.	13395	Кольца 2 шт., о.в. 8,87 гр., ч.в. 8,80 гр., 585 пр.	6 873 750,00
43.	13540	Серьги 1 пара, о.в. 3,96 гр., ч.в. 3,86 гр., 585 пр.	2 253 000,00
44.	13637	Кольцо 1 шт., серьги 1 пара, цепь с дефектом 1 шт., о.в. 7,98 гр., ч.в. 6,60 гр., 585 пр.	3 490 250,00
45.	13662	Браслет 1 шт., цепь 1 шт., о.в. 15,68 гр., ч.в. 15,68 гр., 585 пр.	12 403 500,00
46.	13746	Кольцо 1 шт., о.в. 4,46 гр., ч.в. 4,40 гр., 585 пр.	3 465 000,00
47.	13910	Кольцо 1 шт., о.в. 3,65 гр., ч.в. 3,65 гр., 585 пр.	2 181 666,23
48.	13939	Кольцо и серьги 1 комплект с дефектом, о.в. 8,20 гр., ч.в. 5,20 гр., 585 пр.	4 071 000,00
49.	14058	Цепи 3 шт., кулон 1 шт., о.в. 30,67 гр., ч.в. 30,67 гр., 585 пр.	24 144 750,00
50.	14124	Кольцо 1 шт. с дефектом, о.в. 2,07 гр., ч.в. 1,60 гр., 585 пр.	1 076 023,01
51.	14125	Кольцо 1 шт., о.в. 1,86 гр., ч.в. 1,86 гр., 585 пр.	1 279 977,62
52.	14209	Кольцо 1 шт., браслет 1 шт., о.в. 8,89 гр., ч.в. 8,89 гр., 585 пр.	6 873 750,00
53.	14276	Браслет 1 шт., серьги 1 пара, о.в. 17,86 гр., ч.в. 16,46 гр., 585 пр.	13 009 500,00
54.	14564	Браслет 1 шт., подвеска 1 шт., серьги 1 пара, о.в. 12,18 гр., ч.в. 11,58 гр., 585 пр.	6 713 160,00
55.	14589	Серьги 1 пара, цепь 1 шт., о.в. 3,79 гр., ч.в. 3,70 гр., 585 пр.	2 404 500,00
56.	14635	Кольцо 1 шт., о.в. 3,33 гр., ч.в. 3,20 гр., 585 пр.	1 722 750,00
57.	14862	Цепь 1 шт., о.в. 5,95 гр., ч.в. 5,95 гр., 585 пр.	3 995 250,00
58.	14998	Цепь 1 шт. с дефектом, о.в. 4,75 гр., ч.в. 4,75 гр., 585 пр.	3 768 000,00
59.	15043	Цепь 1 шт., серьги 1 пара, о.в. 8,09 гр., ч.в. 7,69 гр., 585 пр.	6 116 250,00
60.	15452	Браслет 1 шт., кольцо 1 шт., кулон 1 шт., о.в. 11,23 гр., ч.в. 7,33 гр., 585 пр.	5 964 750,00
61.	15577	Кольца 6 шт. с дефектом, серьги 1 пара, о.в. 29,03 гр., ч.в. 25,93 гр., 585 пр.	19 675 500,00

№	Гаров патта рақами	Заргарлик буюмлар номи	Бошланғич баҳоси, сўмда
62.	15615	Кольца 2 шт., серьги 1 пара, о.в. 11,02 гр., ч.в. 9,60 гр., 585 пр.	8 010 000,00
63.	15631	Серьги 2 пары, о.в. 4,11 гр., ч.в. 3,61 гр., 585 пр.	3 086 250,00
64.	15931	Кольцо 1 шт., цепь 1 шт., о.в. 10,18 гр., ч.в. 9,98 гр., 585 пр.	8 237 250,00
65.	15943	Кольцо и серьги 1 комп., о.в. 7,85 гр., ч.в. 7,85 гр., 585 пр.	6 540 450,00
66.	16021	Серьги 1 пара, цепь 1 шт., о.в. 7,92 гр., ч.в. 7,92 гр., 585 пр.	6 646 500,00
67.	16111	Кольца 2 шт., серьги 1 пара, о.в. 6,87 гр., ч.в. 6,07 гр., 585 пр.	3 237 750,00
68.	16114	Кольцо 1 шт. с дефектом, о.в. 1,77 гр., ч.в. 1,77 гр., 585 пр.	1 495 500,00
69.	16304	Серьги 2 пара, кулон 1 шт., о.в. 4,34 гр., ч.в. 3,40 гр., 585 пр.	2 859 000,00
70.	16325	Цепь 1 шт., кулон 1 шт., о.в. 10,12 гр., ч.в. 10,12 гр., 585 пр.	8 388 750,00
71.	16430	Цепь 1 шт., о.в. 4,21 гр., ч.в. 4,21 гр., 585 пр.	3 540 750,00
72.	16476	Браслет 1 шт., серьга 1 шт. без пары, о.в. 4,10 гр., ч.в. 4,10 гр., 585 пр.	3 465 000,00
73.	16514	Серьги 1 пара, о.в. 4,07 гр., ч.в. 3,63 гр., 585 пр.	3 086 250,00
74.	16526	Браслеты 2 шт., кольцо 1 шт., о.в. 22,14 гр., ч.в. 19,10 гр., 750 пр.	20 357 250,00
75.	16582	Кольца 4 шт., о.в. 12,97 гр., ч.в. 12,00 гр., 585 пр.	10 055 250,00
76.	16729	Кольцо 1 шт., о.в. 3,78 гр., ч.в. 3,70 гр., 585 пр.	2 707 500,00
77.	16865	Серьги 1 пара, о.в. 3,26 гр., ч.в. 3,26 гр., 585 пр.	2 631 750,00
78.	16927	Серьги 2 пара, кольцо 2 шт., цепь 1 шт., о.в. 22,69 гр., ч.в. 21,30 гр., 585 пр.	15 206 250,00
79.	16928	Серьги 1 пара, кольцо 1 шт., о.в. 15,44 гр., ч.в. 15,44 гр., 750 пр.; браслет 1 шт., кольца 2 шт., о.в. 9,27 гр., ч.в. 9,00 гр., 585 пр.	21 720 750,00
80.	16947	Браслет 1 шт., кольцо 1 шт., о.в. 34,25 гр., ч.в. 34,10 гр., 585 пр.	25 811 250,00
81.	16948	Колье 1 шт., о.в. 28,37 гр., ч.в. 28,37 гр., 585 пр.	24 296 250,00
Жами бошланғич баҳоси			531 159 727,73

Аукцион савдолар 2025 йил 29 июль куни соат 11.00 дан бошлаб ўтказилади. Аризаларни қабул қилишнинг охири мuddати: 2025 йил 25 июль куни соат 18.00 гача. Аризалар расмий иш кунлари соат 10.00 дан 16.00 гача қабул қилинади (13.00 дан 14.00 гача тушлик).

Юқоридаги заргарлик буюмлари 2025 йил 29 июль куни сотилмаган тақдирда, такрорий савдолар 2025 йил 12 август куни соат 11.00 дан бошлаб ўтказилади. Такрорий савдолар учун аризаларни қабул қилишнинг охири мuddати бир иш куни аввал соат 16.00 да тўхтатилади.

Савдо голибига 10 кун ичида сотувчи билан олди-сотди шартномаси тузиш мажбурияти юклатилади.

Талабдорлар мулк бошланғич баҳосининг 5 фоиздан кам бўлмаган миқдорда закалат пулини савдо ташкилотчисининг қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 2020 8000 0005 7145 2008 ХАТБ “Давр-банк” Олмасор филиали МФО 0121 СТИР 200 933 850.

Аукцион савдо ўтказиладиган ва аризалар қабул қилинадиган манзил: Тошкент шаҳри, Мирзо Улуғбек тумани, Ҳамид Олимжон кўчаси, 13-“А” уй.

Телефон: 71-237-23-96.

Расмий веб сайт: www.rmm.uz

001805 рақамли гўвоҳнома.

OFTOV URISHIDAN HIMOYALANISH QOIDALARI

Sanjar ERGASHEV, Fuqaro muhofazasi instituti kafedra o'qituvchisi, dotsent.
Alimjon MAHMUDOV, Fuqaro muhofazasi instituti kafedra katta o'qituvchisi.

Yoz mavsumida issiqlik o'tgani va oftov urishi o'rtasidagi farqni tushunish, bu holatlarning oldini olish va kerak bo'lganda o'zingizga, yaqinlaringizga yordam berish juda muhim.

Oftov urishi qanday holat?

Oftov urishi - bu tananing haddan tashqari qizib ketishidir. Ushbu holat quyoshning inson tanasiga uzoq vaqt ta'sir etishi va nurlarning tanaga to'g'ridan-to'g'ri ta'sir qilishi natijasida yuzaga kelishi mumkin. Bunday holda organizm issiqlik uzatilishiga bardosh bera olmaydi va tana harorati sezilarli darajada ko'tariladi. Uning ta'siri quyosh nurlari tanaga tushayotgan vaqtda ham, oradan bir necha soatdan o'tkandan so'ng ham sodir bo'lishi mumkin. Oftov urishi tanadagi yallig'lanish reaksiyalarini faollashtiradi va buning natijasida turli organlar va ularning tizimlari bilan bog'liq muammolar yuzaga keladi. Masalan, bu mushaklar, jigar, buyraklar, o'pka va yurakning faoliyatiga ta'sir qilishi mumkin.

Oftov urishi va issiqlik o'tganini qanday farqlash mumkin?

Ko'p insonlar oftov urishini issiqlik o'tgani bilan adashadilar. Ular bir xil issiqda uzoq vaqt turish natijasida ahvolning yomonlashishi hisoblanadi. Issiqlik o'tishi boshqa issiq muhitda, masalan, hammomda, yopiq xonada yoki tirbandlikda qolgan mashinada ham sodir bo'lishi mumkin. Issiqlik o'tganidan farqli o'laroq, oftov urishi inson tanasiga ultrabinafsha nurlarining bevosita ta'siri natijasida yuzaga keladi. Issiqlik o'tishi ham oftov urishining bir turi bo'lib uning oqibatlari sog'lik uchun xavflidir.

Haddan tashqari issiqlik o'tishi yengil alomatlarida sezilishi va og'ir holatlarda yurak mushaklari, buyrak-

larga zarar yetkazishi mumkin. Ko'p narsa issiq o'tgan vaqtga va undan keyin o'z vaqtida birinchi yordam ko'rsatilishiga bog'liqdir. Oftov urishi ko'ngil aynishi, terining oqarishi va xotirani yo'qotish kabi alomatlar orqali yuzaga chiqadi. Issiqlik o'tishi esa butun tanaga ta'sir qilishi mumkin.

Terlash - bu tananing tabiiy sovitish mexanizmi hisoblanadi. Agar siz issiq havoda mashq qilsangiz, haddan tashqari issiq muhitda uzoq vaqt ishlasangiz va suv ichmasangiz, o'zingizni yaxshi his qilishingiz uchun zarur bo'lgan optimal tana haroratini ushlab turishingiz qiyin bo'ladi. Oftov urishi paytida infraqizil nurlanish miya tizimlariga kirib, unda o'zgarish bo'lishiga sababchi bo'ladi. Bu esa kislorod yetishmasligi, ya'ni gipoksiyaga olib keladi.

Oftov urishining belgilari

Shifokorlar oftov urishi alomatlarini uch darajaga ajratishgan. *Birinchi - yengil darajada:* holsizlik, ko'ngil aynishi, bosh og'rig'i, pulsning tezlashishi, nafas olishning sekinlashishi yoki tezlashishi. *Ikkinchi - o'rta darajada:* yengil simptomlarning kuchayishi, xotirani yo'qotish, burundan qon ketishi, tana haroratining 38-39 darajagacha ko'tarilishi. *Uchinchi - og'ir darajada:* terining oqarishi, yuqori tana harorati, xotirani yo'qotish yoki chalkashlik - gallyutsinatsiyalar, ekstremal darajada qizib ketish oqibatida oyoq-qo'llarning ishlamay qolishi va o'lim holatlari ham kuzatilishi mumkin.

Oftov urishi nafaqat yurish paytida, balki ertasi kuni 6-10 soatdan keyin ham o'z ta'sirini ko'rsatishi mum-

kin. Agar quyoshda uzoq vaqt bo'lsangiz, uyga qaytganingizdan keyin tana a'zolaringizda og'riq sezangiz va isitma bilan uyg'ongan bo'lsangiz, darhol shifokorga murojat qiling.

Oftov urishida birinchi yordam qanday ko'rsatilishi kerak?

Agar sizda oftov urishining birinchi alomatlari kuzatilsa, soya va salqin joyga o'ting. Salqin xonaga kirsangiz yanada yaxshi. Keyin esa quyida keltirilgan ishlarni bajaring:

- ortiqcha kiyimlaringizni yeching va tasmingizni bo'shat;
 - jismoniy harakatlardan cheklaning, yaxshiroq moslashib yoting va ko'proq suv iching;
 - badaningizni salqin, nam sochiq bilan ho'llang, ventilyatordan foydalansangiz ham bo'ladi, biroq muz bo'ylaklarini ishatmaslikka harakat qiling.
- Agar alomatlar kuchayib ko'ngil aynishi va bosh aylanishini his qilsangiz, darhol tez yordam chaqiring. Shifokorga borishga urinmang, har qanday vaqtda salammatlik holatingiz yomonlashishi mumkin. Agar siz quyosh urishidan aziyat chekkan odamni kasalxonaga olib ketayotgan bo'lsangiz, uni yotqizilgan holda manzilga olib borish kerak. Shifokor sababni aniqlashga va simptomlarni bartaraf etishga yordam beradi. Oftov urishining og'ir darajasida shoshilinch kasalxonaga yotish va shifokor tavsiyalariga amal qilish kerak.

Oftov urigidan keyin nima qilmaslik kerak?

- Oftov urgan insonni sovuq hammomga olib kimang va konditsioner ostiga yotqizmang;
- qahva va spirtli ichimliklar bermang;
- og'ir alomatlar o'z-o'zidan yo'qoladi deb tushmang, bemorni shifokorga olib boring;
- tananing sovishi asta-sekin sodir bo'lishi kerak, haroratning keskin o'zgarishiga yo'l qo'ymang.
- Oftov urishidan qanday himoyalansa bo'ladi?
- Oftov urishini davolashdan ko'ra uning oldini olish osonroq, ya'ni:
- ko'chaga chiqishdan oldin tabiiy materiallar, paxtadan tayyorlangan yengil kiyimlarni kiying, ular terlashni oldini oladi;
- bosh kiyimsiz yurmang, ochiq ranglardagi kiyimlarni kiying, ular quyosh nurlarini kamroq tortadi;
- yuzingizni va boshingizni sovuq suv bilan yuvishingiz, soyabon bilan himoyalansangiz mumkin;
- muntazam ravishda toza suv iching, spirtli ichimliklardan saqlanib, spirtli ichimliklar organizm suvsizlanishiga olib keladi;
- quyosh eng ko'p nur tarqatadigan vaqtda (soat 11 dan 16 gacha) iloji boricha ko'chaga chiqmang, mashg'ulotlaringizni, ishlaringizni ertalab yoki tushdan keyinga rejalashtiring.

Unutmang, har birimizning salomatligimiz doimo o'zimizga bog'liqdir!



IJTMOIY-IQTISODIY GAZETA
**O'ZBEKISTON
BUNYODKORI**
СТРОИТЕЛЬ УЗБЕКИСТАНА

ТАХРИР ХАЙЪАТИ:

Шерзод Хидоятлов,
(Тахрир хайъати раиси),
Давронжон Адилов,
Тоир Алиматов,
Соода Жўраева,
Сирожидин Эшқувватов,
Козим Туляганов,
Юлдаш Магруппов,
Бобир Эмүрдов,
Илҳом Аҳмедов.

ТАХРИРИЯТ:

Бош муҳаррир **Дилшод
Жалолов**

Бош муҳаррир
ўринбосари **Райҳона
Хўжаева**

Саҳифаловчи **Акмал
Маҳкаммов**

Мусоҳиҳ **Марҳамат
Муслимқулова**

Газета "Ўзбекистон бунёдкори"
Наشريёт уйи МЧЖ томонидан
нашрға тайёрланди.

"ЎЗБЕКISTON БУНЁДКОРИ"
НАШРИЁТ УЙИ МЧЖ
МУАССИСЛАРИ:

Ўзбекистон Республикаси
Қурилиш ва уй-жой коммунал
хўжалиги вазирлиги,
"Ўзсанотқурилишматериаллари"
уюшмаси, "ЎзГАНШКЛИТИ" МЧЖ,
"ЎзшахарсозликЛИТИ" ДМ,
"Қишлоқ қурилиш инвест" ИК МЧЖ,
"ЎзгеорангметЛИТИ" ДУК.

ТАХРИРИЯТ МАНЗИЛИ:

100011, Тошкент шаҳри,
Навий кўчаси, 18-уй.
Телефонлар:
71-241-01-29 (қабулхона),
71-241-01-43 (таҳририят),
71-241-01-29 (бухгалтерия),
71-208-12-00 (реклама ва обуна
бўлими).
E-mail: info@uzbunyodkor.uz

ХУДУДЛАРДАГИ МУХБИРЛАРИНИНГ ТЕЛЕФОН РАҚАМЛАРИ:

Қорақалпоғистон
Республикаси: 90-658-50-43.
Андижон вилояти: 93-410-15-18.
Бухоро вилояти: 99-704-66-69.
Жиззах вилояти: 99-525-30-05.
Қашқадарё вилояти: 90-287-50-29.
Навий вилояти: 99-731-17-40.
Наманган вилояти: 91-365-07-36.
Самарқанд вилояти: 95-560-30-45.
Сирдарё вилояти: 94-916-99-77.
Сурхондарё вилояти: 97-847-30-11.
Фарғона вилояти: 90-349-55-56.
Хоразм вилояти: 97-790-47-61.

Газета 2016 йил 25 июлда
Ўзбекистон Матбуот ва ахборот
агентлигида 0874-рақам билан
рўйхатга олинган.
Нашр индекси - 466.
Бурутма - Г- 641.
1996 нухсуда босилди.
Қўғоз бичими А-2.
Ҳажми - 3 табоқ, офсет усулида
босилган. Баҳоси келишилган
нархда. ISSN 2181-8762. Таҳририятга
kelgan қўлёзмалар тақриз
қилинмайди ва муаллифга
кайтарилмайди.
Газета тахририят компьютер
марказида терилди ва саҳифаланди.
Газетанинг полиграфик жиҳатдан
сифатли чоп этилишига
"Шарқ" нашриёт-матбаа
акциядорлик компанияси масъул.

КОРХОНА МАНЗИЛИ:

Тошкент шаҳри,
"Буюк Турон" кўчаси, 41.

Навбатчи муҳаррир -
Р. Хўжаева.
Навбатчи -
А. Этамбердиев.

ЎзА якуни - 22.25.
Тошширилди - 23.00.

123456

ТУҒИЛГАН КУНИНГИЗ МУБОРАК БЎЛСИН!

**2025 йил июнь ойининг
24-26 саналарида таваллуд
айёмларини нишонлайдиган**

Ўзбекистон Республикаси Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазирлиги атроф худуд ободонлаштирувчиси **Рустам Агаамов**,

"QISHLOQQURILISHLOYIHA" ДМ Лойиҳаларни меъёрий ва техник назорат қилиш бошқармаси бошлиғи **Умида Мирзаходжаева**,

"Ўзоғирсаноатлоийха" АЖ АСС-2 бош мутахассиси **Бақтибай Умирзаков**,

"O'zshaharsozlik LITI" ДМ Архитектура ва қурилиш лойиҳаларини ишлаб чиқиш бошқармаси 1-устахонаси муҳандиси **Гулмира Ҳамралиева**, Шахарсозлик хўжатларини ишлаб чиқиш бошқармаси 1-устахонаси лойиҳа бош архитектори **Анвар Муҳаммадов**, Икτισодий режалаштириш ва шартнома муносабатлари бўлими бош мутахассиси **Анвар Зокиржонов**,

Қорақалпоғистон Республикаси Кеғейли тумани қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги бўлими уй-жой коммунал хўжалиги бўлими бунёдкорлик ва худудларни ривожлантиришни режалаштириш шўъбаси бошлиғи **Дўстмурод Шодиев**,

Кашқадарё вилояти Қарши шаҳар қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги бўлими уй-жой коммунал хўжалиги бўлими бунёдкорлик ва худудларни ривожлантиришни режалаштириш шўъбаси бошлиғи **Шерзод Чоршанбиев**,

Сурхондарё вилояти Қизилқум тумани қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги бўлими архитектура ва қурилиш соҳаси бўлими бунёдкорлик ва худудларни ривожлантиришни режалаштириш шўъбаси бошлиғи **Ойбек Усанов**,

Хоразм вилояти Хива тумани қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги бўлими бошлиғи **Машарип Исмоилов**,

Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазирлиги тизимдаги Тошкент вилояти "Иссиқлик манбаи ИЧБ" ДУК бошлиғи в.в.б. **Дилшод Норовларни** таваллуд кунини билан чин дилдан муборакбод этамиз.

**Уларга сиҳат-саломатлик, узоқ умр,
оилавий хотиржамлик,
муштақам соғлиқ тилаймиз!**

МЕҲР-ОҚИБАТ ҚАДРЛАНАДИГАН ОИЛА БОШЛИҒИ

Ҳамза ШУКУРОВ, "O'zbekiston bunyodkori" муҳбири.

Самарқандлик қурувчилар ҳақида гап очилса, Саъдулло Зиядуллаев номи биринчилар қаторида тилга олинади. Унинг ибратли фаолияти, амалга ошираётган эзгу ишлари ҳақида сўз юритилади.

Ўтган давр қурувчиси билан бутунгиси таққосланса, улар ўртасида фарқ анча сезиларли экани шубҳасиз, дейишди бу соҳада суҳбатда бўлганлар. Бунинг замонага, даврга боғлиқ эканидан кўз юмиб бўлмайди. Чунки йиллар мобайнидаги тараққиёт бинокорлик соҳасидаги ишчи мутахассислар дунёқарашига, фикрлашига таъсирини ўтказмай қолмади. Ҳозир қайси бир қурувчи билан гаплашсангиз, осмонўпар бинолар барпо этаётганликлари, коммунал хўжалиги соҳасида эришилаётган ютуқлар тўғрисида мароқ билан сўз юритиши тайин.

Яқинда шундай суҳбатлардан бирининг иштирокчиси бўлдим. Даврадошлар қурилишдаги ривожланишлар, жойлардаги бунёдкорликлар, янги иншоотлар сифати ҳақида фикр билдиришди. Улардан бири соҳа раҳбарларидан бўлган Саъдулло Зиядуллаев етакчилигида бажарилаётган ишлар ҳақида ҳамкасби Отабек Жўраев куйидаги фикрларни билдирди:

- Саъдулло Эвадуллаевич қурилиш соҳасининг ҳақиқий жонқуярларидан. Кўп йиллар бирга ишладик. Мен уни моҳир қурувчи, меҳрибон раҳбар сифатида биламан. Қаерда ишламасин,

барчага ғамхўрлик кўрсатади. Келажакка катта ишонч билан қарайди.

Жамоадoshiлари, ҳамкасблари эътиборини аллақачон қозongan бу инсон 1975 йилнинг 24 июнида Пастдарғом туманида зиёлилар оиласида туғилган. 1991 йили 4-мактабни аъло баҳоларга тамомлаб, ўша йили Самарқанд давлат архитектура-қурилиш институтига ўқишга кирган. 1996-2000 йиллар вилоятдаги "Ўз-агроқурилиш" трестига қарашли 162-хўжалиқлараро механизациялашган кўчма колоннада иш бошқарувчи, бош муҳандис лавозимларида фаолият юритган.

Шундан сўнг, қатор йиллар давомида вилоят давлат архитектура қурилиш назорати инспекциясида етакчи мутахассис ва бош мутахассис, Самарқанд вилояти бўйича давлат архитектура қурилиш назорати инспекцияси бошлиғи, "Қишлоқ қурилиш инвест" МЧЖ ИК Самарқанд филиали директори, вилоят ҳокимлигининг "Ягона буюртмачи хизмати" инжиниринг компанияси директори каби масъулиятли вазифаларда ишлаган.

2022 йилдан бошлаб у киши "Сув таъминоти ва оқова сув объектлари қурилиши бўйича инжиниринг компанияси" УК



Самарқанд вилояти ҳудудий бошқармаси раҳбари лавозимида ишлаб келмоқда.

- Тендер асосида лойиҳачи ва пудратчиларни аниқлаш, хўжатларни ишлаб чиқиш ва уларни йиғиб ахлит ҳолда тайёрлаш борасида Саъдулло Эвадуллаевич ўта аниқликда иш юритади. Ходимлардан ҳам айнан шундай иш юритишни талаб қилади, - деди Самарқанд вилояти ҳокими ўринбосари Акмал Шукуров.

- Саъдулло Эвадуллаевич ажаойиб инсон, у ҳақида кўп яхши гаплар айтиш мумкин, - деди Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазирлиги бошқарма бошлиғи ўринбосари Баҳром Назаров. - У иш фаолияти давомида камчиликларга йўл қўймаган, огоҳлантириш ва жарималар олмаган раҳбарлардан. Шу боис, самарали меҳнатлари доимо қадрланган келинмоқда. "Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг 30 йиллиги" кўкрак нишони ва бир неча фахрий ёрликлар билан тақдирланган. Саъдулло

Зиядуллаевнинг аҳолини тоза ичимлик суви билан таъминлаш ва оқова сув объектларини давлат маблағи - инвестиция орқали амалга ошираётган меҳнатлари мактовга сазовор.

Таърибали қурилиш ходимининг отаси Эвадулло Зиядуллаев олий маълумотли юрист. Ониси Раҳима Ёриева олий маълумотли шифокор бўлиб, халққа муносиб хизмат қилган. Айни пайтда нафақалик гаптини суришмоқда. Саъдулло Зиядуллаевнинг қизи Гулирўхсор Эвадуллаева олий маълумотли, хозирги кунда "Агробанк" ходими. Ўғли Бобурбек Эвадуллаев эса вилоят ҳуқуқни муҳофаза қилиш органида ишламоқда. Турмуш ўртоғи Гулфара Маматова ҳам олий маълумотли юрист.

Зиядуллаевларни том маънодаги зиёлилар, илмни қадрлайдиган хонадон вақиллари, дейиш мумкин. Бундай файзли даргоҳда эса одамгарчилик, эзгулик хамиша улугланади, меҳр-оқибат қадрланади.

Хоразм вилояти Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги бош бошқармаси жамоаси бошқарма бошлиғи ўринбосари - вилоят бош архитектори Фаррух Машариповга отаси

Умар РЎЗМЕТОВнинг

вафоти муносабати билан чуқур ҳамдардик билдиради.